




Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациисининг газетаси

1995 йил, 10 ФЕВРАЛЬ 6 (200)

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ МАЖЛИСИ



8 февраль куни Тошкентда Президент Ислом Каримов иштирокида республика Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси бўлди. Вазирлар, идоралар, давлат қўмиталари, концерн ва уюшмалар раҳбарлари, Қорақалпогистон Республикаси Жўқорги Кенгеси Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари таклиф этилган мазкур мажлисда 1994 йилда иқтисодий ислоҳотларнинг амалга оширилиши ва уларни янада чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари тўғрисидаги масала мұҳоммада қилинди. Мажлисни республика Бош вазири А. Муталов бошқарди.

Республика Президенти Ислом Каримов йиғилишда сўзга чиқиб, ўтган йили иқтисодиётда ва ижтимоий соҳада амалга оширилган илоҳотнинг ўзига хос жиҳатлари, бу борада қўлга киритилган ютуқлар ва мавжуд муаммолар хусусида батафсил тўхтади. 1995 йилда халқ хўжалигининг барча соҳаларида илоҳотларни чуқурлаштириш, шаклланётган бозор муносабатларини такомиллаштириш, миллий пулимишининг харид қувватини янада мустаҳкамлаш, умуман, иқтисодиётни барқарорлаштириш борасидаги долзарб вазифалар тўғрисида гапирди.

Республика Бош вазирининг ўринbosарлари — "Ўзистиқболст" давлат қўмитаси раиси М. Шарифхўжаев, молия вазири Б. Ҳамидов ҳамда республика Марказий банки бошқаруви раиси Ф. Муллажоновнинг мұҳоммада этилган масала юзасидан маърузалари тингланди. Музокараларда сўзга чиқкан Давлат солиқ қўмитасининг раиси Ш. Гатаулин, Бош вазир ўринbosари — давлат мулкни бошқариш ҳамда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг раиси В. Чжен, Фарғона вилоят ҳокими М. Испомов, Кимё саноати концерни раиси Н. Юсупбеков, Бекобод металлургия заводи директори А. Анохин иқтисодий илоҳотларнинг жойларда ҳаётга тадбиқ этилиши, саноатни қишлоққа яқинлаштириш, молия интизомини мустаҳкамлаш, ишлаб чиқариш ҳажмларини ошириш борасида фикр-мулоҳаза билдирилар.

Мажлисда республика Олий Кенгаси Раиси вазифасини бажарувчи Э. Халилов, Бош вазирнинг биринчи ўринbosари И. Жўрабеков, Президентнинг давлат маслаҳатчилари, Бош вазир ўринbosарлари қатнашиди.

(ЎЗА).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ИШ ҲАҚИ, ПЕНСИЯЛАР, НАФАҚАЛАР ВА СТИПЕНДИЯЛАРНИНГ МИҚДОРЛАРИНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

1. 1995 йил 1 марта бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида:

иш ҳақининг энг кам миқдори — ойига 150 сўм;
мехнат пенсиясининг энг кам миқдори — ойига 430 сўм;

фуқароларнинг солиқ олинимайдиган даромади — ойига 200 сўм;

ягона тариф сектаси бўйича бошланғич (нулли) разряд — ойига 300 сўм этиб белгилансан.

2. 1995 йил 1 марта бошлаб иш ҳақининг ҳозир амалда бўлган миқдорлари биринчи разряддан бошлаб ва пенсияларнинг барча турлари, миқдорлари, энг кам пенсиядан ташкири, ойига ўртача 350 сўмга оширилсан, уларга аҳолига тўланаётган 150 сўм миқдоридаги компенсация тўловлари киртилсан.

3. Стипендиялардан даромад солиғи олинимаслигини назарда тутиб, 1995 йил 1 марта бошлаб олий ўқув юртлари талабалари, ўрта, махсус ва хунар-техника ўқув юртлари ўқувчиликнинг стипендияларни асосий миқдорлари 300 сўмга (150 сўм компенсация ҳисобла) оширилсан.

4. 1995 йил 1 марта бошлаб Ўзбекистон Республикаси аҳолисига бериладиган ҳар ойлик компенсация тўловлари бекор қилинсан.

5. 1995 йил 1 марта бошлаб:

бала иккак ёшга тўлгунга қадар уни парвариш қилинча бўйича оналарга бериладиган нафақа ойига 250 сўм миқдорида;

болаликдан ногиронларга бериладиган нафақа ойига 400 сўм миқдорида;

зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа ойига 300 сўм миқдорида белгилансан.

6. Энг кам иш ҳақига фоиз ишебатида ҳисобла қўнгиладиган иш ҳақига устама ва қўнгиладиган барча

турлари, шунингдек, болали оиласарга бериладиган нафақа ва бошқа тўловлар 1995 йил 1 марта бошлаб мазкур Фармон билан белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиқиб амалга оширилади.

7. Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот ва зирлиги, Мехнат вазирлиги, вазирликлар, идоралар, Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларни бюджетдан маблағ билан таъминланадиган ташкилотлар ва муассасалар мазкур Фармондан келиб чиқкан ҳолда пенсиялар, нафакалар, стипендиялар ва ходимларнинг лавозим маашларни миқдорлари ўз вақтида қайта ҳисоблаш чиқилишини таъминласинар.

8. Бюджетдан маблағ билан таъминланадиган муассасалар ва ташкилотлар ходимларнинг иш ҳақини, пенсиялар, нафакалар ва стипендияларни ошириши билан боғлиқ сарф-харажатлар республика давлат бюджети ва ижтимоий сугурта жамғараси ҳисобидан амалга оширилсан.

9. Ҳўжалик ҳисобидаги корхоналар ва ташкилотларни ҳақи миқдорлари оширилишини энг кам иш ҳақининг мазкур Фармон билан белгиланган оширилишини таъминлаган ҳолда ўз даромад манбалари ҳисобидан амалга оширилсан.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 31 августдаги ПФ-940-сон ва 1994 йил 31 октябрдаги ПФ-976-сон Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 16 июндаги ПФ-871-сон Фармонининг 1-банди тўртнинг хатбоши (нафакалар миқдорига оид қисми) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансан.

11. Вазирлар Маҳкамаси ўн кун муддатда мазкур Фармонни амалга ошириш бўйича қарор қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1995 йил 7 февраль.

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ КЕНГАШИ РАЁСАТИДА

КУН ТАРТИБИДА — МУХИМ МАСАЛАЛАР

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацииси кенгаси раисининг ўринbosари К. Рафиқов яхбор берди. Курултой билан борлиқ бошқа тадбирлар Федорати кенгаси деони, тармок касаба уюшмалари Марказий Қўмиталари ҳамда вилоят касаба уюшмалари қенгашлари олдида турган вазифалар белгилаб олини.

Раёсат қарорига кўра, "Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацииси кенгаси" 1994-1995 йилларда бўлиб ўтган ҳисобот ва сайдовлар якунлари тўғрисидаги "Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси" билан Узбекистон касаба уюшмалари Федерацииси Кенгаси ўтрасида 1995 йилга ижтимоий-иктисодий масалалар бўйича тузиладиган Битим лойиҳаси ҳақида", "Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацииси кенгаси делегациясининг XXРга сафари якунлари тўғрисидаги", "Касаба уюшмаларининг бюджети ҳақидаги ва бошқа бир кинча масалалар кўриб чиқилди. Муҳоммада этилган масалалар юзасидан тегишилар карорлар қабул қилинди,

Раёсат мажлисни Узбекистон Касаба уюшмалари Федерацииси кенгаси раиси Ҳ. Жамалов олиб берди.



• МУҚАДДАС Рамазон ойи муносабати билан мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов номига бир қатор мусулмон давлатлари бошчиликлари, дин пешволари ва арబоблари номидан самимий қутловлар келди.

• ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Вазирлар Маҳкамаси "Иш ишлаб чиқариш мажмуда интеграцияни жараёнларини кучайтириш чоратади" қарор қабул қилди.

• МАМЛАКАТИМИЗ Президенти Ислом Каримов Россия Федерациясининг Волгоград вилояти маъмурити раҳбари Иван Шабуний бошчилигидаги вилоят делегацияси аъзоларини қабул қилди. Учрашувда ўзаро алоқаларни йўлга қўйиш, корхоналар ўртасидаги савдо-сотиқи ривожлантириш масалалари алоҳида таъкидланди.

• ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Президенти Фармонига кўра Шомансур Шохалиев Ўзбекистон Республикасининг Россия Федерациясидаги фавқулоддә ва мухтор элчиси этиб тайинланди ва унга. Ўзбекистон Республикасининг фавқулодда ва мухтор элчиси дипломатик мартабаси берилди. Шунингдек, Президентимиз Фармонига биноан Абулаҳит Туропович Жалилов Ўзбекистон Республикасининг Туркманистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланди.

• КўП ЙИЛЛИК фидорона меҳнати, илм-фанни ривожлантиришдаги хизматлари ҳамда халқлар ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлашга қўшган ҳиссаси учун республика Фанлар академияси Археология институтининг етакчи илмий ходими, академик Г. А. Путаченкова мамлакатимиз Президентининг фармонига мувофиқ "Дўстлик" ордени билан мукофотланди.

• ТОШКЕНТДА Олий Мажлис депутатлари ишчи гурӯдининг биринчи ташкилий йўнилиши бўлиб ўтди. Олий Кенгаси вазифасини бажарувчи Э. Ҳ. Халилов янги сайланган депутатларни чин кўнгилдан табриклаб, ишларида мувоффақиятлар тилди, янги парламентнинг аввалги Олий Кенгасидан фарқлари хусусида, Олий Мажлиснинг ўзига хос иш услуби ҳақида ва илгариги тўплланган таъриблар ҳақида қисқача мъълумот берди.

• НУКУСДА Қорақалпогистон Республикаси Жўқорги Кенгеси биринчи сессиясининг иккинчи мажлиси бўлди. Унда Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг халқ депутатлари Навоий ва Тошкент вилоятлари Кенгасларининг сессияларида ҳамда 18 январда ўтказилган мажлисда сўзлаган нутқларида ўтага ҳисобидан амалга оширилди.

Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгасининг Раиси Р. Йўлдошев сессияда Қорақалпогистон Республикаси Жўқорги Кенгеси Раисининг ўринbosари этиб сайданди. Амударё тумани ҳокими лавозимида ишлаётган Б. Жуманиёзов Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаси Раиси этиб тайинланди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари 70 йиллиги ва XV Қурултойи олдидан



1968 ЙИЛ, 19 ИЮНЬ. Ўзбекистон Министрлар Кенгаши билан Республика касаба уюшмалари Кенгашини ҳамкорликда республика ишлаб чиқариш корхоналари олиб бораётган маданий ишлар кўриги ўтказиб бўйича қарор қабул қилиши. Кўрикка тайёргарлик даврида юздан ортиқ рационализаторлик тақлифлари ўрганилиб, унинг саксонаси ишлаб чиқарища кўлланаётганлиги аниқланди. Беш мингдан ортиқ операциялар ўтказиши механикалаштирилганлиги, корхоналар 667 иситиш ва 3836 союзига усуналари билан таъминланганлиги маълум бўлди.

1969 ЙИЛ, ДЕКАБРЬ. Бу вактта келиб республикада 16 тармоқ бошқармаси ва 1600 дан ортиқ янги техника бирлашмаларининг бошлангич ташкилотлари касаба уюшмалари раҳбарлигидаги фаолият юрғизмокда эди. Йилмиж-техника жамиятлари эса 67 минг олим, инженер-техник ходимлар ва ишлаб чиқариш илгорларини ўзига бирлаштирган ҳам эди.

1970 ЙИЛ, СЕНТЯБРЬ. Ўзбекистон касаба уюшмалари Кенгаши раёсати халқ ҳунарманд-усталарининг республика кўрик-конкурси якунини кўриб чиқди. Кўрик-конкурс ўтказишига тайёргарлик пайтлари 1446 халқ ҳунарманд-усталари, янги тўғаряклар ва ўймакорлик ҳамда ихтирочик санъати вакиллари аниқландил, ҳисобга олингани маълум бўлди. Халқ ҳунарманд-усталарининг 700 дан ортиқ маҳсулотлари республика кўргазмасида намойиш этилди. Кўргазмада 40 мингдан ор-

тиқ киши иштирок этди.

Шу йилга келиб, касаба уюшмалари клублари, маданият уйлари ва саройларининг сони 675, ҳаммага хизмат кутубхоналар 891тага етган эди.

1971 ЙИЛ, ИЮЛЬ. Тошкентда урушдан кейин биринчи марта мис мусиқа асблори оркестри ҳаваскорларининг республика конкурси бўлиб ўтди. Биринчи дараражали диплом Тошкент пластмасса буюмлари ишлаб чиқариш заводи касаба уюшмалари клуби оркестрига берилди.

1972 ЙИЛ, ФЕВРАЛЬ. Ишчилар синфи ва қишлоқ ҳуҷалиги меҳнаткашларига багишланган энг яхши қўшиқлар конкурсига якунланди. Ўзбекистон касаба уюшмалари Кенгаши, Ўзбекистон комсомоли Марказий Кўмитаси ва Ўзбекистон ёзувчilar уюшмаси билан бирга лида ўтказилган бу кўрикда бастакор А. Берлин ва шоир Н. Буркановлар "Олтин кўллар" номли қўшиқлari учун биринchi мукофотга сазовор бўлди.

3-4 МАРТ. Тошкент Ўзбекистон касаба уюшмаларининг Ўнинчи курултойи чакирилди.

1973 йил. Касаба уюшмалари ташкилотлари халқаро хотин-қизлар йилига багишлаб аэлларнинг меҳнат, майший дам олиш ва иш шароитларини жамоатчилик кўргигини ўтказдилар.

1975 ЙИЛ, ДЕКАБРЬ. Бу йилнинг охирига келиб касаба уюшмалари ташаруфидаги 7-санаторий ва 4720 ўрнили дам олиш уйлари ишлаб турганлиги аниқланди.

Шу йили хорижий мамлакатларининг 41 касаба уюшма вакиллари Ўзбекистонга келдилар.

1976 ЙИЛ, 1 ЯНВАРЬ. Бу даврга келиб республика ўз сафига 33133 минг касаба уюшмаси аъзосини бирлаштирган 28846 бошлангич касаба уюшма ташкилотлари фаолиятни кўрсатмада эди.

1977 ЙИЛ, 3-4 МАРТ. Тошкентда Ўзбекистон касаба уюшмаларининг ўн биринчи курултойи чакирилди.

Ҳар бир авлод ўзидан ниманидир мерос қолдиради. Арслардан бери давом этиб келаётган бу қутлуғ анъана ҳозирги кунларда янада теран аҳамият касб этмоқда. Ота-боболаримизнинг ҳар бир сўзи ҳикмат, ҳаёт ўйли эса бой тажрибадан ва маҳорат мактабидир. Демократик жамият қурмоқчи эканмиз, ана шу тажрибадан фойдаланишимиз, уни қалбимизга жо қилишимиз лозим.

Шубҳасиз, бу фикрлар омма манфаатлари ва ҳа-

ҳаракат қилдим. Шу боисдан уларнинг қувончи, дарду ташвишини яхши биламан. Бозор муносабатларига ўтилиши натижасида турмуш кечириш қийинлашгани ҳақиқат. Аммо ҳеч ким оч-яланоч қолаётганий йўқ. Ҳамманинг ейишга нони бор, қозони қайнаб турибди. Шунисига ҳам шукур.

Ўтган йиллар ичидаги аҳолини ижтимоий ҳимоялаш юзасидан мавжуд 14 та жамоа ҳўжалигига боғчалар, оромгоҳлар тармоғи кенгайтирилди. Мен буларни бирма-бир тилга олмоқчи эмасман.

Айтмоқчи бўлган гапим бошқа. Касаба уюшмалари тармоқ қўмитаси 29 та бошлангич ташкилотдан

иборат бўлиб, улар ўз атрофига 18

мингдан зиёд киши-

ни бирлаштирган. Ҳозир қўмитага ёш, ишбилармон мутахассис А. Раҳмонов етакчилик қўилмоқда. Унга нисбатан зарур бўлганда ёрдамим ва маслаҳатларимни аямайман. Зоро, тажрибанги, билганингни бошқалар билан баҳам кўриш, жамият тараққиётига баҳоли қудрат ҳисса қўшишдек хайрли иш бўлмаса керак.

М. ЗАКИРЯЕВА,
Вобкент тумани.

Сўз — касаба уюшмалари
фаҳрийларигаТАЖРИБА ҲАМ
БОЙЛИКҲАМКОРЛИК
ШАРТНОМАСИ
ИМЗОЛАНДИ

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгашининг раиси Ҳ. Жамолов ва "ЭКОСАН" экология ва саломатлик фонди Президент Ю. Шодиметовлар атроф муҳит экологик вазиятини яхшилаш, меҳнаткашлар саломатлигини муҳофаза этиш ва ҳаф-хатарсан меҳнат шароитларини таъминлаш соҳаларида ўзаро ҳамкорликда иш олиб бориш бўйича Шартномани имзоладилар.

Томонларнинг табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги конунлар ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқида фаол иштирок этишига, технологик усуналардан фойдаланишида қатъий тартибни таъминлаш, технологик интизомларга риоҳ этиши, одамлар фаолиятининг кулади экологик вазиятини яратиб бориш юзасидан хўжалик раҳбарларига талабномалар тайёрлаш ва уларнинг тадбик этилишига эришиб бориш етакчи йўналишлардан бири килиб белгиланди.

Шартномада ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириши экологик оқибатларни ҳисобга олмай тор идоравий, бокимандалик кайфиятидаги ёндошувларга қарши кураш олиб бориши, экология соғ тартибини яхшилаш, аютуларининг кўлланиши бутун чоралар билан кўллаб-кувватлаш, энергиянинг муқобил манбаларини излаб топиш, ер атмосфераси озон қатламига ҳалокати таъсир кўрсатувчи зарарли моддаларнинг ҳауга чиқаришининг олдини олиш борасидаги ҳамкорликнинг усулуб ва шакллари акс эттирилган.

Биргалидаги ошириладиган тадбирларнинг кенг ошкораларни таъминлаш, аҳолининг экология билимларини ошириш, уларни табиатга онгли ва ёхтёйкорона муносабатда бўлиш руҳида тарбиялаш, бу ишга олимлар, мутахассислар, кенжамоатчилик вакилларини жалб этиши масалаларига ҳам Битимда кенг ўрин берилади.

Шартномани имзолаш маросимида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши ва Ҳалқаро "ЭКОСАН" фонди раёсатининг аъзолари, касаба уюшмалари вилоят кенгашлари ҳамда касаба уюшмалари Марказий Қўмиталарининг раислари иштирок этдилар.

"Ишонч" мухбири.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов таклиф этган бозорни ислоҳ қилиш дастурининг изчил амалга ошириш билан республика маданиятни ўзини ишлаб чиқаришни аъзосини бирлаштирган 28846 бошлангич касаба уюшма ташкилотлари фаолиятни кўрсатмада эди.

Ўтган йил январь ойда эълон қилинган "Иктиносидий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулкчилик манфаатларини химоя қилиш ва тадбиркорлик ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги" Президент Фармони маддатни ҳаётда мухим роль ўйнамоқда. Шу фармонда ўйнамоқда ишлаб чиқаришни йўлга кўйилган бўлиб, улар сифатли тикилиши жиҳатдан бозорни чакондир. Корхонада ойига 15 минг сўмчага соғ фойда олинмоқда.

Суратда: тикувчи Нурхон Жабборкулова (чапда), корхона раҳбарлари: Этамберди Султонов ҳамда тикувчи Шоҳида Ҳамроқулловалар инг устида.

Н. МУҲАММАДЖОНОВ
олган сурат.

ИШБИЛАРМОНЛАР МАДАДИ

Олмалик төр-кон металлургия комбинатининг халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш бошқармасига ишбилармон Вадим Ногай раҳбарлик қилади. У күн минг кишилик корхона меҳнаткашлари ва ойла аъзолари ёхтёжини ҳисобга олиб, харидорбон маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга кўймоқда. Корхонада полизтилен плёнка тайёрланни, унга турли гул шакллари босиши ўзлаштирилди. Пайпоклар тўқилиб, рўзгор идишлари сирланмоқда. Мева ва сабзавотчилик хўжалигига балиқ стиштирила бошланади. Бу йил шаҳар аҳолисига 100 тонна тирик балиқ қилинади.

Чорчалик фермаси ҳам қайтадан жиҳозланади. Исройлдан олиб келинган усуналар ўрнатилимоқда. Бу ин ниҳоясига етга, Исройлдан келтирилган сермаҳсул 500 бош сигир сутини қайта ишлаш йўлга кўйилади. Сифатли сарире олинади, катиқ тайёрланади.

Корхона ташаббускорлари янги цехлар очиб, қўщимча ишчи ўринларини ташкил этмоқдалар.

Темур ҲАЙДАРОВ.

Биркорлар ташкилоти бошқа касаба уюшмалари учун гайриоддий бўлган шаҳротларда ишлади, изланди. Иктиносидётнинг надавлат сектори ишининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқкан ҳолда ижтимоий масалаларини ҳал этиш бўйича маълум тажриба тўпланди.

Бозор иктиносидёт муносабатларига ўтиш касаба уюшмаларидан ўз аъзоларни ижтимоий ҳимоялашни таъминлашга катта ёзтибор ва салъ-ҳаракатларни талаб қиларди. Маъмурят билан ҳамкорликда иш ҳақининг юқори дараҷада бўлишини таъминлаш, белул овқатланиш, жамоат транспортда йўлкираларини тўлаш, камхарж оиласларга ёрдам бериш каби мухим бандлар киритилган тадбирларни ишлаб чиқиш билан боғлиқ масалалар мажмии касаба уюшмалари фаолиятининг мухим йўналишларини ташкил этиди.

Бундай ибратли ишларга кўплас мисоллар келтириш мумкин. Бу борода Тошкентдаги "Комус" хиссадорлик жамиятида, Хоразм вилоятидаги "Сўғдиёна" хусусий корхонасида катта тажриба тўпланган. Уларнинг раҳбарлари курултой делегатлари этиб сайланга.

Тармоқда меҳнат килаёттган ходимларни имтиёзли тарзда согломлаштиришни уюштириш мақсадида хисбот даврида ташкилотнинг ўз моддий базасини ташкил этиши ва мустаҳкамлаш юзасидан катта ишлар килинди. Ҳозир Тошкент вилоят тадбиркорларини ташкилоти оналар ва болалар "санаторийси" мунисибатларидан ўтиш мумкин. Бу борода Тошкентдаги "Комус" хиссадорлик жамиятида, Хоразм вилоятидаги "Сўғдиёна" хусусий корхонасида катта тажриба тўпланган. Уларнинг раҳбарлари курултой делегатлари этиб сайланга.

Тармоқда меҳнат килаёттган ходимларни имтиёзли тарзда согломлаштиришни уюштириш мақсадида хисбот даврида ташкилотнинг ўз моддий базасини ташкил этиши ва мустаҳкамлаш юзасидан катта ишлар килинди. Ҳозир Тошкент вилоят тадбиркорларини ташкилоти оналар ва болалар "санаторийси" мунисибатларидан ўтиш мумкин. Бу борода Тошкентдаги "Комус" хиссадорлик жамиятида, Хоразм вилоятидаги "Сўғдиёна" хусусий корхонасида катта тажриба тўпланган. Уларнинг раҳбарлари курултой делегатлари этиб сайланга.

Тармоқда меҳнат килаёттган ходимларни имтиёзли тарзда согломлаштиришни уюштириш мақсадида хисбот даврида ташкилотнинг ўз моддий базасини ташкил этиши ва мустаҳкамлаш юзасидан катта ишлар килинди. Ҳозир Тошкент вилоят тадбиркорларини ташкилоти оналар ва болалар "санаторийси" мунисибатларидан ўтиш мумкин. Бу борода Тошкентдаги "Комус" хиссадорлик жамиятида, Хоразм вилоятидаги "Сўғдиёна" хусусий корхонасида катта тажриба тўпланган. Уларнинг раҳбарлари курултой делегатлари этиб сайланга.

Хисбот даврида Марказий Кенгаш тадбиркорлар касаба уюшмалари таркиби кирувчи корхоналарга зарур меҳнат шароитларининг яратилишини, меҳнат хавфсизлиги ва уни муҳофаза этиши, касаба уюшма аъзоларини ҳуқуқий ҳимоялаш масалаларини назорат қилишга катта ёзтибор бериб келди.

Босиб ўтилган йўлга якун ясар экан, курултой иштирокчилари асосий йўналишлари хусусида мулоҳаза юритдилар, ташкилот номи шундай аталаётган бўлди. Касаба уюшмалари ташкилоти Марказий Кенгаш янги таркиби, Ўзбекистон касаба уюшмалари XV курултойи вакил

Ўзбекистон давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси сафларига ижроия ва адлия идораларининг 300 мингта яқин ходими бирлашган. Тармоқ касаба уюшмаси мамлакатимизда рўй берадиган демократик ва иқтисодий ўзгаришларни кўллаб-куватламоқда. Фаолларнинг асосий диккәт-эътибори меҳнат жамоалари ва ёшлар ўртасида давлатнинг иқтисодий сиёсатини, ислоҳотларни амалга оширишнинг аҳамиятини тушунишига қаратилмоқда. Улар одамлар онгидаги бокимандалик кайфиятини, тенгчиликка барҳам беруб, малакаси ҳамда ишлаб чиқараётган маҳсулоти асосида адолатли тақдирлашни қарор топтиримоқдалар.

Мазкур тармоқ касаба уюшмаларининг II курултойида Марказий Кўмита раиси А. Мухаммаджонов маъруғасида шулар хусусида тўхтади. Тармоқ касаба фаоллари вилоят ва туманлардаги хусусийлаштириш комиссиялари, аҳолини иш билан бандликка кўмаклашувчи мувофиқлаштирувчи гурӯхлар таркибида иш олиб бормоқдалар. Ўз-ўзини бошқариш идоралари орқали қишлоқда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш, кўшма ва хусуси ишлаб чиқариш корхоналари очишга кўмаклаштишилар.

Бошлангич ташкилотлардаги хисобот-сайлов мажлисли, Хоразм, Андижон, Самарқанд вилоятларидаги конференциялар қатнашчилари унумли меҳнат учун шартшароитлар яратиш, юксак малакали мутахассислар тайёрлаш, қонун устиворлигини қарор топтириши касаба уюшмаларининг ролини ошириш, меҳнат аҳли ўртасида уларнинг таъсирини кучайтириш зарурлигини таъкидлаб ўтди. Тошкент, Термиз шаҳарларида касаба уюшмасини фоал ёрдамида республика марказий банки Марғилон хисоб-кредит техникумининг бўлимлари очиди. Синф хоналари техник воситалар билан жиҳозланиб, ўқувчилар замонавий ёткохоналар билан таъминланди. Саноат-курилиш банки ўз ходимларини Тошкент шаҳрида тўққиз қаватли ўй-жой биносига жойлаштириди. Давлат солиқ кўмитаси обод дам олиш манзилгоҳини сотиб олди. Мехнатчиларнинг ҳафузаси иш шароити, унинг соглигини муҳофазалаш касаба уюшма фаолиятида мухим вазифаларнинг бирориди.

Халқаро Федерация согломлаштириш лагерларига спорт ашёлари, техника воситалари сотиб олиш учун 1 миллион рубль микдорида беминнат ёрдам кўрсатди. Нуғузли ташкилот кўмагида вилоят касаба кўмиталарининг 8 нафар раиси тажриба алмашиб учун Юнонистонга юборилди. Алмати ва Кининёвда халқаро семинарлар ўтказилди. Уларда тармоқ касаба уюшмаларининг 20 нафар ходими иштирок этди. Лекин тариф

битимлари ва жамоат шартномаларида талабларнинг бажарилишини назорат қилиш омиллари ишлаб чиқилмаган. Вазирликлар, идоралар, ўз-ўзини бошқарув ташкилотлари иштирокида меъёрловчи хужжатларни олдиндан кўриб чиқишида изчиллик ва қатъяятлилик етишмайди. Бу масалада содир бўлган воқеани қайд этиб, орта юрувчилик даражасига тушиб колиши ҳоллари ҳам бўлиб турибди. Тармоқ меҳнаткашларининг ижтимоий даражасини таҳлил қилиш, социологик тадқиқотлар ўтказиш суст бормоқда. Вазирликлар ўз-ўзини бошқарув идораларига иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда амалий ёрдам кўрсатиш тубдан яхшиланиши зарур.

Бунда бошлангич касаба ташкилотининг аҳамияти ва ўрни сезилмайди. Улар билан алоҳа ўрнатиш бутунги кун таълаблари даражасида ташкил этилмаган. Ҳанузгача касаба уюшмаларига бевосита корхона, муассаса, идорада иш олиб бориши ҳукуки бериб қўйилганлиги,

улар бошка жамоат ташкилотларидан кўра имтиёзли мавқега эгалигининг аҳамияти англаб этилгани йўқ. Касаба ташкилотлари корхонадаги барча муаммоларни ҳал қилишида иштирок этиши иш сифатини ошириш, масъулият ва интизомни мустаҳкамлашда амалий ёрдам кўрсатишлари керак. Касаба уюшмалари ҳар бир жамоада барқарорлик, яратувчилик кайфиятини, фуқаролар ва миллий тутувлик муҳитини вужудга келтириши керак.

Кун тартибида ишга ёллаш, меҳнатга ҳақ тўлаш, ишдан бўшатиш, зиддиятили вазиятлар ва меҳнат келишмовчиликларни бартарап этиш муаммолари қўйилмоқда. Мехнаткашларни муҳофаза этишини тариф битимлари, жамоат шартномалари, музокаралар олиб бориши омалга ошириш лозим.

Курултойда тармоқ касаба уюшмаси ташкилоти тафтиш комиссияси раиси Бердиёр Бойкунусовнинг хисоботи ҳам тингланди.

Иккала маъруза юзасидан бўлган музокараларда сўзга чиққанлар ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясига бирлашган касаба уюшма Низоми ва ҳаракат Даствури лойиҳалари ҳақида ҳам фикр билдирилар. Конференцияда ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаш раиси ўринбосари М. Тўлаганова қатнаши.

Қўрилган масалалар юзасидан тегиши қарорлар қабул қилинди. Ўзбекистон давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Марказий Кўмита раисига А. Мухаммаджонов қайта сайланди.

Сайдазим ШАРОФХОНОВ,
"Ишонч" мухбири.

ЯНГИЧА ВАЗИФАЛАР

Ўзбекистон машинасозлик саноати ходимлари касаба уюшмалариning II курултойи навбатдан ташкари чақирилиб, шу куннинг ҳаётай ва долзарб вазифаси - кўп укладли бозор иқтисодиётини шакллантириш шароитларида тармоқ касаба уюшмаларининг амалга оширадиган ишлари ҳамда ўзбекистон касаба уюшмалари янги Низоми ва ҳаракат Даствури мухоммадиетидан этиди.

Бир катор корхоналар талаб дараҷасидаги маҳсулотлар ишлаб чиқараётгандар ишларни ўз самарасини берадигандан дарак беради.

Кўшима корхоналар барпо этиши учун корхоналаримиз фоал ва жадал суръатларда хорижий ҳамкорларни излаб топмоқдалар. Тармоқни ривожлантириша чет эл сармоясини жалб этиши, ишлаб чиқариш ҳажмини кўплайтириш ва тармоқни тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга қайта ихтинослаштириш бўйича ҳам қатъяятлилик кўрсатмоқда. Бошлангич касаба уюшма ташкилотларидан то Марказий Кўмитагача бўлган

бўгинлар бу жараёнларда фаол иштирок этимоқдалар.

Хиссадорлик жамиятига айланган корхоналарнинг касаба уюшма кўмиталари ҳаммийт аъзоларига кенг имтиёзлар яратишдек ҳайрли ишларнинг бошида турибдилар. Улар бундан буён ҳам шу йўналишида фаолият кўрсатишлари лозим.

Марказий Кўмита раесати ўтган йилнинг охирда ёлланма меҳнат ходимлари манфаатларини ифода этиувчи касаба уюшмалари билан ҳиссадорлик жамиятига айланган таркибида ишлаб чиқаришга "Ўззатхпром", "Ўзмашпром", "Ўзватпром" ассоциациялари, "Ўзбеккосмос" агентлиги каби ижтимоий шериклар ўртасида ижтимоий-иктисодий масалалар ўйбича битимлар тузиш режаси тасдикланди.

Бу битимларнинг амалга оширилиши иш билан бандлик, меҳнатни муҳофаза қилиш ва меҳнаткашлар ҳамда уларнинг оила аъзоларини согломлаштиришни ҳал этишига диккәт-эътиборни қаратади. Ҳозирги

соҳада 13 та тиббий-санитария қисмлари, 167 согломлаштириш бўлимлари, 16 та санаторий-профилакторий, 29 та болалар оромгоҳлари, 50 га яқин клублар, маданият саройлари, 20 дан ортиқ стадион, спорт заллари ва йишишлари мавжудdir. Ҳар йили 65 мингдан ортиқ меҳнатни ва уларнинг оила аъзолари ўз саломатликларини тиклаш имкониятига эга бўлмоқдалар.

Курултойда кўрилган масалалар ўта долзарблигини, янгича шароитда мослашиб иш кўраётгандарини кўзларни "Ўззатхпром", "Ўзмашпром", "Ўзватпром" көнглини таъкидлаберди.

Конференцияда ўзбекистон касаба уюшмалари XV курултойига қарорда кўзларни XV курултойига қарорда касаба уюшмалари XV курултойига қарорда касаба уюшмалари Низоми ва ҳаракат Даствури лойиҳалари асосан маъкулладилар.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раиси ишларни таъкидлаберди.


Курултойда тармоқ касаба уюшмалари Низомининг 5 бўлимига тубандаги хатбоши кирилди:

Ийуллар, бу қадимий ийуллардан не-не карвонлар ўтмаган, ипак ийул шам шу ийулларга туташ худуддан ўтгани билан қалбимиз гууррга тўлиқ. Элимиз ҳозирда ҳаро, темир, автотранспорт ва сув ийуллари орқали дунёнинг кўп мамлакатлари билан узвий болгандан бўлиб, карвонлар халқимиз мушкулини осон қилган. Аҳоли ҳожатини автотранспорт воситалари чиқаряпти. Шу боси автомобил ийуллари тармоқи кун сайин кенгайиб, янги ийуллар очиляпти. Лекин автомашиналар, уларнинг эҳтиёт қисмлари, автоёқилганинг маълум қисми хориждан олинаеттани ҳали ҳамон анча қийинчилек борлигини кўрсатиб турибди. Яқин ийуллар ичи автомашиналар ишлаб чиқариш ўзимизда ийулга кўйилади, ёқилги мустақиллигига эришилди.

Мана шу масалалар автомобил транспорти ва ўйл ҳўжалиги ходимлари касаба уюшмаларининг бўлиб ўтган II-курултойининг асосий мавзуларидан бирори бўлди.

Курултойда ҳисбот маърузаси қилган тармоқ касаба уюшмаси Марказий Кўмита раиси А. Собиров 1990—1995 ийуллар мобайнида тармоқ меҳнаткашларининг ижтимоий-иктисодий ва хукукий манфаатларини химоялаш бўйича қилинган ишларни тавсифлаб берди.

— Бугунги кунда мунтазам равишда ва анча юқори даражада иш ҳаки тўлаш имконини берадиган корхоналарининг доимий, баркарор ишланиши таъминлашдан муҳимроқ вазифа йўқ. Иш ҳаки чакллантириш тамоилилари одамларининг ўй-жой, озиқ-овқат маҳсулотлари ва энг зарур молларни бозор нариҳда сотиб олишлари, дори-дармонларга бўлган эҳтиёжларини, маданий-маший манфаатларини қондириш ҳисб-китоб қилинмаган. Тармоқда иш ҳаки бирмунча паст. Лекин тадбиркорона иш тутаётган корхоналарда юқори. Масалан, "Ташвилюктранс" концернининг Янгибозордаги 121-автомобилкорона ўтган йилнинг охирда ўртача ойлик маош 885 сўмни, "Тошсаҳоуктранс" концернининг 3-автомобилкорона 912,6 сўмни ташкил этди. Давлат тасарутидан чиқарилган ҳиссадорлик жамиятларидан



оийлик маошлар ҳамон юқориляб бораётти. Ҳозиргача 145 автомонхона хусусийлаштирилди.

Транспорт воситалари сотиб олиш, ийулочи ташиш транспорти иншотлари ҳамда автомобил ийуллари куришга капитал сармоя ажратидаги муракабликларга қарамай, тармоқ ҳўжалик органлари билан касаба уюшмалари ўй-жой курилиши меҳнаткашлар саломатлигини тиклашга алоҳида эътибор билан қараятилар. Тўрт йил ичидан 41 минг квадрат метр ўй-жой курилди ва сотиб олиниди. Автотранспорт ва ўйл ҳўжалиги ходимларининг 1013 оиласи ўй тўйлари ўтказдилар, 2700 оила якка тартибида ўй-жой куриш учун ер участаси олидилар.

Хоразм вилоятида йилига 1200 киши даволандиган санаторий-профилакторий қурилиб фойдаланишга топширилди. Тармоқда сиҳатдохларни сақлаб колиши, янгилини ишга туширишга, болалар боғчалиру оромгоҳларни, тибиёт қисмларни кўлдаг кетмаслигига муваффак бўлинди. Ўтган йили 5 минг ишловчи сиҳатдохларда, 227 минг бола оромгоҳларда дам олдилар.

Хоразм вилоятида йилига 1200 киши даволандиган санаторий-профилакторий қурилиб фойдаланишга топширилди. Тармоқда сиҳатдохларни сақлаб колиши, янгилини ишга туширишга, болалар боғчалиру оромгоҳларни, тибиёт қисмларни кўлдаг кетмаслигига муваффак бўлинди. Ўтган йили 5 минг ишловчи сиҳатдохларда, 227 минг бола оромгоҳларда дам олдилар.

Хисбот даврида тармоқка дарё транспорти ходимлари кўшилганларига қарамай касаба уюшма аъзолари сони кўпайиш ўрнига 24,4 минг кишига камайди. Бу асосан "Ўзавтотранс" корпорациясида ва "Тошсаҳоуктранс" уюшмасида барча турдаги автомобиллар микдори қискарсан туфайли рўй берди.

Курултойда тафтиш комиссиясининг ҳисботи ҳам тингланди. Музокараларда сўзга чиққанлар ҳалқ ҳўжалиги юклари ва ўйловчи ташиш ишидаги қатор камчиликларни ҳам очиб ташладилар. Шунингдек, ўзбекистон касаба уюшмалари Низоми ва ҳаракат Даствурига муносабат билдирилар, асосан маъкулладилар. Курултойнинг бу ҳужжатлар ҳақида қабул қилган қарорида таъкидлар билдирилди.

1. Низомининг 4 бўлими 7 бандидаги "Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши қарорида белгилаб қўйилган маълум қисмини бошқарди" жумласидаги "белгилаб қўйилган маълум қисмини" сўзлари олиб ташланса.

2. Низомининг 4 бўлимига кўйидаги хатбоши кирилди:

"...Аҳолини иш билан таъминлаш, меҳнат, маший хизмат, согломлаштириш, маданият ва бошқа масалалар юзасидан республика тармоқ касаба уюшма ташкилотлари тегиши давлат, ҳўжалик ташкилотлари таъкидларини киритади, уларнинг бажарилишига эришиади".

3. Низомининг 5 бўлимига тубандаги хатбоши кирилди:

"...Касаба уюшмаларида кўп йиллар самарали ишлаб қишилар иш

ФИРМА МИЖОЗЛАРИ КЎПАЙМОКДА

“Гиф” хусусий фирмаси ташкил топнагина уч ой бўлди. Шу кисқа муддат ичиди фирмада Корақамиш масиви, шахар худудида эз оғизга тушиб, харидорлар кўпайиб қолди.

Енгил машиналар юкхонасини қандолат маҳсулотлари, салқин ичимликлар ва сигареталар билан тўлгизиб кетаёттанилар ҳам кўп.

“Гиф” маҳсулотларини чет элдан олиб келмай, “Виктория Роза”, “Баракат”, “Кока-кола” фирмалари билан ҳамкорлик қилиб, ўзаро келишилган нархларда қандолат маҳсулотлари, печенъелар, салқин ичимлик ва сигареталар олиди. Фирмада “Сникерс”, “Марс” шоколадлари 17 сўмдан, “Пикник” эса 15 сўмдан сотилмоқда. Бир кути чет эз вафлисингин нархи 5 сўм қилиб белгиланган. Бир кути “Пальмаль” сигарети эса 18 сўм.

— Сизларда нарх-наво арzon экан, — деди эллик ёшлардан ошиб қолган харидор. Шахрингизга Чимкент вилоятидан келдим. Бозордаги озиқ-овқат маҳсулотлари нархи билан қизиқдим, — деди ўзини Ли Леонид деб таништирган меҳмон, — “Гиф” фирмасидагиек маҳсулотларга кўйилган нархларни яқин орада кўрмаганди.

У ўзича нархларни Чимкентда сотилаёттан тайнархга солишириб чиқди-да, яна бир блок “Пальмаль” сигарети харид қилди.

— Мен яқин массивдаги 60-үйнинг 137-хонадонида тураман, — деди ҳамшира Елена Александровна Куделько, — қандолат маҳсулотлари бу ерда арzon бўлгани учун, шу фирма доим гавжум. Айниқса, оби-онн цехи очилганлигидан кўпчилик мамнун. Ёғ солиниб, тайёрланган бўрсилдоқ нон 3 сўмдан сотилмоқда.

Фирма новойлари Жаҳонгир Сайдуллаев, Абдулла Мирзаев, сотовчилар Хайрулла Халилов, Авазхон Сайдвалихоновлар хизматидан ҳарқалай харидорлар мамнун. Умуман, бизни бу ерга етаклаган нарса — ҳозирги ялпи тақчиллика қарамай, эл-юртига қайшиш, бирор бўлса ҳам молини арzonроқ сотишга интилаётган савдогарларни топиш, улар тажрибасини ейишга интилишдан иборат эди.

— Фирмамиз маҳсулотлари бирмунча арzon сотилаёттани бизни ҳам таажжублантириди, — деди Хайрулла Халилов. — Бу ҳақда директоримиз Фофур Тўлагановга оғиз очиб, қаттиқ дакки ҳам эшитиб олдик.

— Кимматта пуллаб оладиган фойдани арzonроқ сотиб топиш ҳам мумкин, — деди у киши. — Шириналларни арzonроқ сотсак, уларни ҳарид қилишга куввати етадиган кўпроқ бўлди. Маҳсулот тез кетдими — янгисини олиб келасан. Мол айланаверса, фойда ҳам шунга яраса бўлади.

Хайрулла ҳисоблаб чиқиб, ҳақиқатдан ҳам ойлик даромадлар бошқалардан ҳам бўлмаслигига ишонч ҳосил қылганини гапириб берди. Ҳақиқатан ҳам шундай. Фирма жамоаси бундан икки томонлама наф кўрайти. Ҳам моддий, ҳам маънавий.

— Бу ерда 100 сўмга тўр халтани тўлдириб, шириналлар олиш мумкин, — деди харидор Аббос Аъзамхўжаев, — Фарзандларим, жиянларимни шу фирма маҳсулотлари билан хурсанд қиласан.

Ҳа, инсоф сари барака деб бежиз айтмаган ҳақимиз. Мана шундай инсоф билан иш кўрувчи тижоратчилар, савдогарлар сафи кенгаяверса, серфарзанд оилаларга кўпроқ қувонч улапилаверади.

Сандазим ШАРОФХОНОВ,
Тошкент шаҳри.

**Саволларга Ўзбекистон касаба ўюшмалари
Федерацияси Кенгаши бўлими мудири Абдурасул
АБДУКАЮМОВ ва ҳуқуқшунос Нажежда
ЕФИМОВАЛАР жавоб берадилар:**

Отам Холинёзов Карим 1912 йилда туғилган. Урушдан брон билан олиб қолинган. 1933 йилдан 1954 йилгача механик, чилангар, тракторчи касбларида ишлаган. Чоржўйда катер ҳайдаб юрган пайтларидан ҳарбий билет, меҳнат дафтарчаси, брон қозогини йўқотиб қўйган. Ҳарбий билети тошилган меҳнат дафтарчасини янгитдан ёзгиб берилган экан.

Ҳозир Амударё туманида уруш қатнашчиларига 400 сўм пул ва медель беринчиди. Отамга ҳам бу имтиёз берилди? Меҳнат дафтарчасида 1945 йил март ойидан бошлиб ёзилган-ку?

Қ. КАРИМОВА, Қорақалпоғистон Республикаси.

— Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 11 майдаги қарорига биноан, уруш қатнашчиларига тенглаштирилган шахслар таркиби ҳарбий хизматлардан ташкари кўнгиллилар сафида ҳаракатдаги армияда қатнашчилар ҳам киради.

Уларга амалдаги қоидаларга кўра қуйидаги имтиёзлар белгиланган:

- шифокорлар йўлланмаси билан дори-дармонни 50 фоиз чегирма билан олиш;
- 30 фоиз чегирма билан коммунал хизмат ҳақи тўлаш;
- республика ҳудудидаги санаторийда икки йилда бир марта даволаниш учун бепул йўлланма олиш;
- пенсияга энг кам ойлик машишининг 30 фоизи миқдорида кўшимча ҳақ олиш:

Меҳнат дафтарчасида уруш давридаги иш стажи қайд этилмаган тақдирда архив ҳужжатларига асосланиб берилган маълумотномалар эътиборга олинади. Архив ҳужжатлари сақланмаган ҳолда мазкур шахс билан бир корхона, ташкилот, муассаса ёки колхозда биргаликда ишлаган ва бу ҳақда ҳужжати тасдиқланган икки гулоҳ шахснинг кўрсатмаларига асосан ариза берувчининг меҳнат стажи тасдиқланади.

— Биз — бир гуруҳ талабалар 1-Тошкент индустриял педагогика техникумиди таҳсил кўрилмиз. Ўкув даргоҳимиз давлат тасаруфида. Талабалар мунтазам уч маҳал иссиқ овқат билан таъминланади. Бизга кий-им-кечак ҳам берилини керак экан. Стипендиямиз жуда озлик қиласанти...

Республикамиз ҳудудида жорӣ этилган кўшимча тўловлар (компенсация) 150 сўмга стказилди. Лекин техникумимиз талабалари бирон марта бундай тўловларни олишмади. Бунинг сабабини билишини истардик.

— Ўзбекистон Республикаси ахолисига компенсация тўловларини ошириш тўгрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 31 августдаги ҳамда 1994 йил 31 октябрдаги фармонларига мувофиқ давлат тасаруфида бўлмаган ўта маҳсус ўкув юртлари талабаларида компенсация тўлаш бўйича мувакқат қоида ишлаб қилинган. Индустриял педагогика техникуми ўкувчилари давлат тасаруфида бўлганликлари учун компенсация тўланмайди.

— Қишлоқ ҳўжалиги соҳасидан ишлайди. Санъатга жуда қизиқсанам, ўзим ёзган шеър ва қўшиқларимни ҳали ҳеч қаерда ижро этмаганман, бирон ерга мурожаат ҳам этмаганман. Истедодим рўбига чиқишига ким ёки қиши ташкилот ёрдам берини мумкин?

Замонавий қўшиқлар ташлови “Анор”да чиқини учун нима қилишим керак?

К. ҚАНДАҲОРОВ, Самарқанд вилояти, Гўзалкент тумани.

— Республика телевидениеси орқали томошабинлар ҳукмига ҳавола этилаётган “Анор” замонавий қўшиқлар ташловида қатнашиш учун бир нечта қўшиқларига фонограммаси билан Тошкент шаҳар қасаба ўюшмалари қошидаги маданият марказига мурожаат қилиш керак. Маданият маркази пойтахтимизнинг “Правда Востока” кўчасидага 24-ўйга жойлашган.

Бундан ташкари ҳар бир қишлоқда маданият уйлари мавжуд бўлиб, уларда ёшидан қатъий назар барча ўз истеъодиди намойиш қилиши учун имкониятлар яратиб қўйилган.

Кадрли редакции! “Ишонч”да берилётган савол-жавобларни қизиқиб ўқиймиз. Ўзимизга зарур ҳуқуқий маслаҳатларни ҳамиша топамиз. Сизлардан бир нарсанн сўрамоқчиман.

Мен истиқомат қилаётган Дўстлик тумани ҳали таълими бўлими ҳисобчиси 2 ёнга стмаган болаларга нафақа тўламаганти. Молни бўлими низоратчилирни шундай кўрсатма берганини. Нафақа тўгрисидаги Фармон ва унинг шарҳида бундай чекланилар ҳақида гап бормаганди-ку! 10 фоизли нафақа болага ишча ёшдан тўланади? Туғилгач дарҳол ҳисобга критиладими ёки майли муддатдан кейинми?

У. ЙУЛДОШЕВ, Жizzax вилояти.

— Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 16 июндаги “Болалик оилаларга давлат томонидан ижтимоий ёрдам кўрсатиш тизимини токомиллаштириш тўгрисида”ти Фармонига мувофиқ 1994 йилнинг 1 сентябрдан 16 ёнгча фарзанди бўлган барча оилаларга қўйидаги миқдорда ойлик нафақа тўлаш белгиланган:

- бир болалик оилага энг кам ойлик машишининг 10 фоизи миқдорида;
- икки болалик оилага 20 фоизи миқдорида;
- уч ва тўрт болалик оилага — 40 фоиз миқдорида;
- беш ва ундан кўн болалик оилага энг кам ойлик машишининг 50 фоизи миқдорида нафақа тўлаш белгиланади.

Булардан ташкари, бола 2 ёнга еттунга қадар уни таъминлаш учун энг кам иш ҳақининг 20 фоизи миқдорида ойлик нафақа тўлашади. Бу нафақалар ишлайдаган аёлларга корхона, муассаса ва ташкилотларнинг маблагидан, ишламаётган оналарга эса республика ва маҳаллий бюджетлар

омонатларни пул ўтказиш йўли билан ҳам очишингиз мумкин.

Хисобидан берилади. Масалан, бир фарзанди бўлган оила боласи ёшга тўлганга қадар ойига 30 сўм нафақа олиши керак.

— Қоравуллик қилиб, олаётган ҳақим 50 сўмдан ошмаралти. 60x70 квадрат метр ясли ҳовлисини супураман. Ўзим яшаётган “Зарафшон” жамоа ҳўжалиги раисига ва бухгалтерияга мурожаат қилдим, натижада булмади.

Оилада 8 жонмиз, анча қийналиб қолдик...

Робия ИСМАТОВА, Қаҳрамон она, Самарқанд вилояти, Челак тумани.

— Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 1 августидан меҳнатга ҳақ тўлаш, пенсиялар ва стипендиалар миқдорини ошириш тўгрисидаги Фармонига мувофиқ энг кам ойлик машиши миқдори 100 сўм қилиб белгиланган.

Ана шу Фармонига кўра ҳўжалик ҳисобидаги корхоналар ва ташкилотлар мулкчилик қўринишларидан қатъий назар, меҳнатга ҳақ тўлашни даромадларининг хусусий манбаларидан олиб, маошларни оширишлари мумкин.

— Оддий ишчиман. 9 нафар фарзандим бор. Бир неча йиллар давомидан тежаб-тергаб, омонат кассасига 24 минг сўм юйдим. Эндиликда уч ўғлимни ўйли-жойли қилини ташвиши турибди. Кекса онам ҳам борлар. Ҳозир ўша жамгарян пулим 24 сўм бўлиб турибди. Бу пулга ҳеч нарса ҳарид қалиб бўлмайди-ку? Менинг аҳволимни тушунасизлар, деган умиддаман.

М. ЯНГИБОЕВ, Қашқадарё вилояти, Чироқчи тумани.

— Истиқолол шабадалари эсаётган заҳматкаш республикамиз ҳалқи мустақиллик йўлидан қадам ташломоқда. Бу ўйлосонликча бўлаётгани йўқ. Аҳолининг энг мухим эҳтиёжларини қондириш, молиявий қийинчиликларини баратараф этиш хукуматимиз раҳбарларининг ҳамиша диккат марказида. Сиз тилга олган жамгармаларни индексациялаш масаласи республикамиз бюджетида етарли маблаг тўпланиши билан кўриб чиқилиши кутиляпти.

— Беш йил мобайнида Республика маҳсус мактаб-интернатида (ҳозирги ҳарбий лицей) тарих ва жамиятшуносликдан дарс бердим. Барча взвод-синифлар ўкув даргоҳида рус тилида шугулланишади. Ўқитувчилар йиллик шартнома асосидан ишлапади.

Бу ўкув йилидан бошлиб соҳага оид бўлмаган фанлар фақат ўзбек тилида ўтилди. Мен ўзбек тилини мукаммал билмаганим сабаби ҳафталаик иш ҳаммим 4 соат бўлиб қолди. Лицей директори бўйргутига кўра “Ўзбекистон Республикаси меҳнат тўгрисидаги қонунлар 36-моддасига биноан шартнома муддати тугатган муносабати билан“ 1994 йил 15 августдан этиборан ишдан бўштадилди. Мен бунга рози бўлмадим, лицей тилини мукаммал ишлапади. Мен ўзбек тилини мукаммал билмаганим сабаби ҳафталаик иш ҳаммим 4 соат бўлиб қолди. Лицей директори бўйргутига кўра “Ўзбекистон Республикаси меҳнат тўгрисидаги қонунлар 36-моддасига биноан амалга оширилиши тўғри бўлади.

— Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 31 августдаги Фармонида компенсация боласи икки ёнгча еттунча уни парваришлари билан банд бўлган оналарга ҳам тўланади, дейиланди.

Мен ҳеч қаерда ишламаганим. Ҳозир уч ойлик ёш болам бор. Менга компенсация тўланадими ва уни ҳасрдан олишим керак?

О. ОСТОНОВА, Самарқанд вилояти, Қўшработ тумани.

— Президентимизнинг мазкур фармони барча ишлайдиган аҳолига, шу жумладан, болаларни 2 ёнгча парваришлар учун корхона билан

ХОРИЖЛИК ШЕРИК ҚИДИРСАНИЗ, БИЗДАН СҮРАНГ

Ўзбекистон Республикаси кўчмас мулк ва хорижий сармоялар миллий агентлигининг (НАРУНИИ) бош директори, профессор
Б. М. ТУРСУНОВ билан сұхбат:

— Бозор иқтисодиётiga ўтётган Ўзбекистон құлай табиий шаронти, ер ости ва бошқа моддий бойликларининг кўплиги туфайли хорижлик сармоядорлар эътиборини кўпроқ ўзига жалб этмоқда. Президентимиз таъкидлаганидек, дунёдаги ҳеч бир давлат чет эл инвестициясиз тараққий этломайди. Шу жиҳатдан иқтисодиётимизга чет эл моддий-техникавий ёрдами қанчалик кўрил келса шунча яхши.

Бахтиёр Мұхаммаджонович, ташкилотингиз фаолияти ҳам худди ана шу мұхим вазифани амалга оширишга қаратилган, шундай эмасми?

— Тұғри топдингиз, бизнинг агентлигимиз мамлакат иқтисодига чет эл капитали ва хорижий технологияларини жалб этиш билан шуғулланади. Хорижий давлатлар, ҳуқуқый шахслар, ҳалқаро ташкилоттар, шунингдек чет эл фуқаролари республикамизда хорижий инвесторлар сифатидан фаолият кўрсатиш мүмкін. Уларнинг ҳуқуқлари Ўзбекистон Республикасининг хорижий инвесторлар ва хорижий инвесторлар фаолиятининг кафолатлари түғрисидаги қонуни билан химояланган.

Миллий агентлигимиз Республикада Давлат тасарруфидан чиқарилаётган ва хусусийлаштирилаётган мулклар ҳақида хорижий сармоядорларга тұла маълумот беріб беради. Хорижий сармоядорларга у ёки бу объектни харид қилишда солиқлар ва божлар бўйича имтиёзли шароитлар яратилган чет эл сармояси қўйилган корхоналар ташкил этишда ёрдам кўрсатамиз. Мол мулк ҳарид қилаётган хорижий фирмалар манбаатини ҳимоя қиласиз. Хорижий мулкдорларга оғис танлаш, кўргазмалар ташкил этиш, республика қонун-қоидалари түғрисида тушунчалар бериш, ўзлари ҳохлаган корхона, савдо ташкилотлари ҳамда бошқа мутасадди муассасалар раҳбарлари билан музокаралар олиб бориш каби ишларда яқиндан ёрдам беради. Ўзбекистон қонунларида маҳаллий ва хорижий инвесторлар учун бир хил шароит яратиб берилгандыгы чет элликларнинг эътиборини қозонмоқда.

Агентлик инвестиция савдолари, тендерлар ва аукционлар ҳамда мол мулкни тўғридан-тўғри сотиш ўйли билан Республика иқтисодига хорижий сармояларни жалб этади, хусусийлаштирилган корхоналарни солиқ имтиёзлари беріб давлат томонидан кўллаб-қувватлашни ташкил қиласи.

Агентлик республиканинг барча хорижий мамлакатлар билан иқтисодий алоқаларини ривожлантириша хизмат қиласи ва бу борадаги қонун ва қарорларнинг бажарилишига амалий ҳисса қўшади. Ўзбекистон Республикасининг турли мамлакатлардаги злочихоналари, консуллик ва савдо вакиллари ёрдамида чет эл сармоядорларига республикадаги хусусийлаштирилаётган обьектлар, кўчмас мулклар ва йирик иқтисодий лойиҳалар ҳақида маълумот беріб, хорижий сармояларни иқтисодимизга жалб этишга интилади.

Ҳозир республикамизда хорижий шериклар билан ҳамкорликда 1400 дан зиёд қўшма корхоналар барпо этилди. Қўшма корхоналар акцияларига эгалик қилишда хорижий шериклар учун белгиланган чегаралар олиб ташланганлиги ҳам чет эл капитали иқтисодимизга дадил кириб келиши учун құлай имкониятлар яратди. Бугунги

кунда бәзъи қўшма корхоналарнинг 30 дан 70 фоизга яқин акциялари хорижий шериклар кўлидадир.

Давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш кўмитаси томонидан бир неча ҳалқаро дастур лойиҳалари ишлаб чиқилмоқда. Уларни амалга оширишга БМТ, Оврўпо Ҳамдўстлиги Комиссияси, АҚШ Ҳалқаро тараққиёт агентлиги, Олмония техника маркази каби йирик нуфузли ҳалқаро ташкилотлар бош қўшмоқдалар.

Бизда чет эл сармоядорларини ҳамкорлик қилишга давват этувчи қатор соҳалар мавжуд. Қўмир, нефть ва газ саноатини ривожлантириш, машинасозлик ва металлургия комплекси, автомобилсозлик, ҳом ашё ва маъданлар қазиб олишини йўлга қўйиш ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш саноатини тараққий эттириш каби тармоқлар шулар жумласидандир.

Ҳозирги республикамизда "ДЭУ корпорейшн", "Ренк ксерокс", "Бурсель", "Буллер", "Мерседес-Бенц", "Коко-кола", "Пепси-кола", "БАТ-инвестменто" каби жаҳоннинг машҳур фирмалари билан ҳамкорликда қўшма корхоналар ташкил этилмоқда. Бу корхоналарнинг дастлабки маҳсулотлари республикамиздагина эмас, балки хорижда ҳам ўзининг рақобатга бардошлиги билан эътиборга тушмоқда.

Яқин келажакда хорижий шериклар билан саноатнинг асосий тармоқларида қайта жиҳозлаш ва юздан зиёд янги корхоналар қуриш ишлари режалаштирилган. Жумладан, пахтачилик саноати, Сирдаре электр станцияларини қайта жиҳозлаш, мебель ва сантехника заводлари қуриш мўлжалланмоқда.

— Маҳаллий тадбиркорларга қандай ёрдам беришингиз мүмкін?

— Кўпчиликни қизиқтирган савонни бердингиз. Республика ҳукумати тадбиркорликни ривожлантириша эътиборни кучайтириб бораяти. Йил бошида Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Хусусий тадбиркорликда ташаббус кўрсатиш ва уни рағбатлантириш түғрисида" ги яна бир фармони зълон қилинди.

Ҳозир кўпчилик хусусийлаштирилган корхоналарнинг раҳбарлари ва бошқа тадбиркорлар ишлаб чиқариши ривожлантириш, янги техника ва технологияни жорий этиш мақсадида хориждан шериклар ахтаришмоқда. Бу масалада уларга биздан яхшироқ кўмаклашадиган идора бўлмаса керак. Бу боисдан ҳам бизга мурожаат қилинса айни мудда бўлади. Мурожаат қилганингизда, корхонангиз фаолияти, дастгоҳлар қуввати, асосий фондлар ва ҳом ашё материалларнинг ҳақида ҳамда хорижлик шерикдан нима талаб қилишингиз түғрисида қисқа маълумот берсангиз бас (қўйидаги сўровнома тўлдирилади), биз Сизга маъқул келадиган хорижий шерикни излаб топиб берамиз. Тадбиркорларимиз бизга қанчалик тез мурожаат қилсалар, мушкуллари шунчалик тезроқ осон бўлади.

Янги техника ва технологияни бошқариш учун албатта малакали мутахассислар зарур. Ҳозир кўплаб ёшларимиз Туркия, Олмония, АҚШ, Курни каби мамлакатларда ўқиб, малака ошироқдалар. Ватан тараққиётини ана шу ёшлар кўлидадир.

Ишончим комилки, тез орада ана шу режаларимиз амалга оша борган мамлакатимиз тараққиёт сарни юз тутиб, турмушимиз фаровонлашади.

Ўзбекистон Республикаси кўчмас мулк ва хорижий сармоялар Миллий агентлиги (НАРУНИИ)
СўРОВНОМАСИ

Хорижий фирмалар билан қўшма корхоналар ташкил этиш, ўз корхоналарига чет эл сармояларини бевосита жалб этиш ва чет эл компаниялари билан ҳамкорликни ривожлантириша интилаётган корхона, компания ва ташкилотлар ушбу сўровномани тўлдириб қўйидаги манзилга жўнатишлари лозим:

Тошкент, Мустақиллик майдони, б. Ўзбекистон Республикаси кўчмас мулк ва хорижий сармоялар Миллий агентлиги (НАРУНИИ).

Ушбу маълумотлар Миллий агентлигидан мажмусига киритилиб, хорижий фирмаларга таклиф этилади. Агар хорижий фирмалар Сизнинг таклифингизга қизиқиб қолсалар, биз Сизни ўша фирма вакиллари билан музокаралар олиб бориш учун учрашувга таклиф этамиз.

Сизнинг маълумотларингиз:

Ташкилот номи _____

Манзили: _____

Телефон (код ва номер): _____

Раҳбар (исми-шарифи): _____

Корхона фаолияти: _____

Маҳаллий ташкилот томонидан:

Корхона биноси: _____

Дастгоҳлар: _____

Технология: _____

Илмий ечимлар: _____

Ҳом ашё ва материаллар: _____

Пул маблаглари: _____

Бошқа нарасалар: _____

Хорижий фирмадан Сизга нима керак?

Дастгоҳлар: _____

Технология: _____

Қурилиш ишлари: _____

Ишчилар малакасини ошириш: _____

Ҳом ашё ва материаллар: _____

Пул маблаглари: _____

Бошқа нарасалар: _____

Ташкил этиладиган қўшма корхона қандай фаолият билан шуғулланади:

— — — — — 199 й.

раҳбар имзои ва муҳри
Барча масалалар бўйича НАРУНИИнинг қўйидаги телефонларига мурожаат этишингиз мүмкін:

[3712] 39-42-05, 39-48-42.

"НАРУНИИ — Консалт"

Тадбиркорларга қўйидағи хизмат кўрсатади:

— мулкни давлат тасарруфидан чиқарши ва хусусийлаштириши, шунингдек мулк шаклини ўзгартиши учун зарур бўлган ҳужжатларни тайёрлаб беради;

— хусусийлаштириладиган обьектлар қийматини аниқлаша да кўмаклашади;

— тақдим этилган ҳужжатларни кўриб, кредит олиши учун хулоса беради;

— ҳуқуқий ва жисмоний шахсларга хусусийлаштириши учун ҳужжатлар тайёрлаб, уларни зарур идоралар тасдиғидан ўтказиб берши борасида маслаҳатлар беради.

Телефон: 39-42-05

"НАРУНИИ — кўчмас мулк"

Маҳаллий ва хорижий тадбиркорларга қўйидағи хизматларни кўрсатади:

— харидорларга мавжуд турар-жой ва бошқа кўчмас мулк обьектлари ҳақида маълумотлар беради;

— кўчмас мулкни харид қилиши ёки ижарага олиши учун зарур бўлган ҳужжатларни тайёрлашда кўмаклашади;

— хорижий фуқароларга кўчмас мулкларни олди-сотди қилиши ва ижарага олиши масалаларида тўла ҳуқуқий потариҳа хизматларини ташкил этади.

Телефон: 39-48-42.

ТАБИАТ СИРЛАРИ ВА ХАЁТИЙ ФАОЛИЯТ

КЕНГ тарқалган таҳминларга қараганда, тирик тана ўзаро бир-бирига боғланып кеттган ички ҳаёттй маромларнинг бутун бир мажмуми билан ифодаланувчи мустақил ўзгаришлар тизимидан иборат. Ҳудди шулар бизни ўраб олган мұхиттинг тақорланувучи ўзгаришларига танамзининг ажабтуор мослашиш имконини беради.

Олимлар фикрича, яшаш учун күп асрлар кураш давомида табий шароитлардаги ўзгаришларни фақат сезибина қолмай, ўзларининг "маромий асбоб" ларини ташки ўзгаришлар маромига мослаштира олган организмларгина яшаб қолган. Бу — атроф мұхитта юқори даражада мослашиш маъносини билдиради. Ҳудди шу асосда күпгина құшлар кузда жаңубий ўлкаларга учиб кетиша, айрим жониворлар қишик үйкүга киради.

Қишки үйқу бундай жониворларнинг ўзлари учун нокулай фаслдан эсон-омон ўтиб олишларига ёрдам беради. Жониворлар үйкүга кириш вактларини хайрон қоллары тарзда аник белгілайдилар. Чунончы, айкылар ҳамиша катта қор олдидан үйкүга кетади. Шу үйкү вактіда айқын танасининг ҳарорати 10 даражагача пасаяды, нафас олиш тезлиги эса уч баравар камаяды. Буларнинг ҳаммаси иссиқ ёз пайты айқын түплап олган ҳаёттй жамғармаларни тежамли сарфлаш имконини беради. Мана шу одатт ҳаёттй мароми тасодиған бузилиб қолса, яни ей айқын вактіда үйкүнеге кетмаган бұлса, е кишининг қоқ ярмидан үйгөніб қолса — у сүсіз ҳалокатта маҳкум бўлади:

Биологик маромлар хукмида

Олимлар инсон танасидаги асосий биологик мезонларнинг ички, табий ўзаро боғлиқлар мавжудларини қатынгы ислобат берганлар. Чунончы, бир тухумли этизакларда бу маромлар ўзаро ўхшаш бўлади. Шундай бир воқеа фанга маълум: иккى әгизаклар туғилиши билан бир-биридан ажратилиб, иккى хил оиласа бир-биридан хабарсиз тарбияланган. Шунга қарамай, уларнинг иккаласи ҳам бир хил машгулотларга мойиллик билдиранлар, бир хил нарсаларни яхши қўришган ва ниҳоят, бир хил мутахассисликни танлашган. Энг гаройиби шунда эдик, иккала ака-ука ягона генетик дастур асосида ўйіл үлгайтан эдилар, ягона "биологик соат" асосида яшардилар. Уларнинг юраклари бир хил уриши, иковлари бир вактда семира бошлашгани, 18 ёшдан бошлаб күннинг иккичи яримда пайдо бўладиган бош орнигидан азият чекканлари кузатилган.

Табиатда бундай мисолларни кўплаб учратиши мумкин. Бирок биологик маромлар тўғрисидаги фанда шу маромлар табиатига бошқача қарма-қарши қарашлар ҳам мавжуд. Жумладан, америкалик профессорлардан бири тирик организмларда кузатиладиган маромий ўзгаришлар фазовий ва геофизик омилларнинг узлуксиз таъсирни натижасидан бошқа нарса эмас, деб ҳисоблади. Олим Бермуд оролларида ўтказган кўп йиллик тажрибалари давомида биологик маромларга оид иккى гаройиб воқеанинг шоҳиди бўлганди. Бермуд қисқичбақалари галасининг пайдо бўлиши хамда атлантик ялтироқ чувалчанглар тўдасининг сув юзасига чиқиши ҳамиша Ойнинг маълум бир фазасига тўғри келаркан. Кейинчалик у батзи бир денгиз жониворларидан моддалар алмашинувининг кунлик мароми Ерга тушаётган фазовий нурлар миқдорига мос равишда ўзгариб боришини аниқлadi.

Афтидан, турли хусусиятга эга бўлган сонсаноқсиз маромий ўзгаришларнинг мавжудлиги организмнинг атроф-мұхит билан ўзаро ўнг матлуб мұносадабартарни шакллантиришга ёрдам беради. Тана айзолари ишининг маромий ўзгариш тириши улар мустақамларнинг мұхим шартларидандыр. Биологик тизим мустақамларнинг маъноси шундаки, айзолар иши ўзгаришни бошқариш физиологик

жараёнларда анчагина кент имкониятларни вужудга келтиради. Масалан, инсон фақат қон босими 120/80 симоб устуныни миллиметрга тенг бўлгандини ўзини соглом ҳис этиши шарт эмас. 6-қаватга кўтарилиганди, албатта, қон босими ошади, ўйкуда ёки ваннадан сўнг эса, қон босими пасаяди.

Тана айзолари физиологик ўзгаришларни доираси анча кент. Батзи бир ўзгаришларни доираси кун давомида кенгайиши, бошқаларини кисқариши мумкин. Яна батзилари ўрта даражада у ёки бу томонга бир мунча ўзгариши. Масалан, бир кечакундуда да вомида соглом болалар томир уриши ўзгариши чегараси 35 фойзни ташкил этади.

Врачлар, соглом одам танасида ҳар қандай айзолари ишидаги ўзгаришларнинг энг матлуб чегаралари мавжудлита ишонч ҳосил қилишган. Бундай ўзгаришлар маромий чегаралардан чиққанда инсон саломатлигига путуретади. Шунга асосан ҳар қандай хасталик — тана айзолари ишининг бузилиши ҳамда унинг кунлик маромидаги ўзгариши натижасидир. Биологик маромлар ўзгаришнинг энг күп ва энг кам ўзгаришлари турлича кўрсатиладига эга. Чунончы, тана ҳароратининг ўзгариши доираси 3 фона, томир уришини 30 фона, қон босими — 25 фона ва х. к. Кўриб турганингиз. Дек, тана ҳарорати ўз гаришилари барқарорликка мойилроқ. Аммо тана ҳарорати 3 дара жага ошгандаги ахволимизни кўз олдингизга келтиришга!

Маълум даражада ижтимоий омиллар ҳам ўзгаришлар чегарасининг катаалашши ёки кичиқлашишига таъсир кўрсатади. Масульиятли парвоз вақтida самолёт экипажи айзоларининг тана ҳарорати текширилганда, бу ҳарорат оdatдагидан пасайтани аниқланади. Экипаж бошлиги тана ҳарорати энг паст бўлганлиги ҳам аниқланган. Тана ҳароратининг, қон босими, томир уришидаги ўзгаришлар чегараси одам табий ҳарорати чекланган шароитларда, қаттиқ ажлий меҳнат таъсирида, нотўғри овқатланганда ҳам ўзгариши.

Кўп ҳолларда кексаларнинг үйкуси бузилиши, аниқроғи, йиллар ўтиши билан үйкү ва бедорликнинг тўғри мароми бой берилади. Астасекин юрак қисқариши ва нафас олиш тезлиги ўзгариши, ички айзолар ғаолияти, тизими ўзгаришларга учрайди. 70 ёшдан ошган карнилар 80 фойзининг марказий асб тизими ишида бузилишилар кузатилгани маълум. Бу ўзгаришлар "биологик соат"ларининг ишдан чиқа бошлаганини кўрсатувчи мұхим белгилариди.

Киши танасида биологик маромлар нормал кечакётган шароитда бирон-бир хасталик юз бериши мумкин эмас. Бунинг устига кўчилик хасталикларнинг ўзи маълум бир тақорийликка мойилдир. Масалан, беморлар ахволи кечаси оғирлашиди, бронхиал астма хурожлари кўпайди. Стенокардия, миокард инфаркт, инсулинт хурожлари, асосан, әрталабки соат 8 билан 9 нинг орасида юз беради.

Умуман, тана айзоларни физиологик ғаолиятнинг кунлик мароми биологик матлуб заруратидир. Шунга асосан одамлар тана-ларининг энг матлуб ҳолатларидан фойдаланиб, қаттиқ ишлашлари, зарур пайтда кувватларини тиклаб олиш учун айзоларига берилади.

Одам танасида айзолари ҳаракат маромларни ҳолатига қараб турли ташки кучлар таъсирига "жавоб беради". Чунончы, организмнинг қарши ҳаракатининг кучи ана шу маромлар ҳолатига бевосита боғлиқdir. Биологик маромлар тақоролиши оралиги, ҳолати ва ўзгаришларни доираси, вакъ белгилари — инсон айзолари ҳолатини аниқлаш, ташхис кўйиш ва даволашда шуларнинг ҳаммасини билмай иш кўриши мумкин эмас.

Ф. ЭШОНХЎЖАЕВ.

Сахийлик, олийхимматилик баркамол инсонларга хос бўлган фазилатdir. Инсон дунёга факат ейиш-ичиши ва бойлик тўплаш учун келмайди. Фоний дунёмизда яхши инсондан яхши ном қолишининг ўзи катта бахтdir. Ўтмиш саҳоватешалари етим-есирларни кийинтирганлар, тўйизиганлар, кўчалар, масжиду мадрасалар, мажаллаларда гузарлар, ховузлар, ариклар курилишига, умуман турли хил ободонлаштириш ишларига бош-кош бўлганлар, маблаг ажратганлар. Албатта, бу билан улар камбагаллашиб қолмаганлар, аксинча, ҳалқ ўртасида янада обрў-иззат топиб, яхши номлари колган.

Бугунги кунда ривожланган чет эл мамлакатларининг бой-бадавлат кишилари ўз сармояларининг катта кисмими ана шундай ҳайрия ишларига сарфлайдилар. Етимхоналарга ҳайр-эхсон улашадилар, санъат муассасалари, музейлар, ихтиослашган ўкув юртларига ҳомийлик қиладилар, матбуот нашрларини қўллаб-куватлайдилар. Ҳайрия ишларига бефарқ қараган сармоялорлар катта давраларда яккалиниб қоладилар. Ислом дини мусулмон кишиларни ҳажилик йўлида ҳамиша ҳайр-эхсон килишга, муруват кўрсатига даъват этади. Бу ҳақда Аллоҳ таоло мукаддас Куръони каримда шундай марҳамат қилади: "Мол-дунёлардан кечи ва кундуз, яширин ва ошкора ҳайр-эхсон қилганларга парвардигор ҳузурида ажр-савоблар бор. Уларга бу дунёда ҳавф-хатар бўлмайди" дар. Пайғамбаримиз Мұхаммад саллолоҳу алайхи-вассаллам шундай марҳамат қиладилар: "Сахий, Аллоҳга, одамларга ва жаннатга яқинидир. Дўзахдан эса йироқ бўлади. Бахил эса Аллоҳдан, одамлардан ва жаннатдан йироқдур. Дўзахга эса якин бўлади. Нодон сахий киши Аллоҳ ҳузурида ибодатли бахилдан яхшироқдир".

Сахийлик шундай улкан неъматки, у туғайли инсон боло-оғатлардан кутилади ва бу дунёю у дунёда бахт-саодатга эришади. Ривоят килинишча, Расулуллоҳга бир куни Аллоҳ таолодан саҳобалардан бирининг бир кунлик умри қолганлиги ҳақида ҳабар келади. Шунда Расулуллоҳ у саҳобани олдиларига чорлаб "Ә, йигит, умрингда ҳандай ушалмаган орзинг, армонинг бор", деб сўрабдилар. Йигит: "Ә, Расулуллоҳ мен ҳам уйлансам ва бир тўйиб хурмо есан, деган орзум бор", деди. Бечора йигит ўта қамбагаллиги ҳали ўйланмаган ва тўйиб хурмо еманаган экан.

Расулуллоҳ жуда меҳрибон, раҳмдил зот эдилар. Шунинг учун дарҳол саҳобалар билан маслаҳат қилиб, шу куннинг ўзида йигитни ўйлантирадилар ва кечкурун үйига бир тогора тўлдириб хурмо киришиб юборадилар. Шу йигит ҳам бу дунёдан армон билан ўлиб кетмасин дедилар. Эртасига Расулуллоҳга йигитнинг вафоти тўғрисида ҳабар қилишади, деб ўтирган бўладилар. Хеч ҳандай ҳабар келмагача, саҳобалардан бирини юборадилар. Бориқ қарашса, ёш келин-куйе бамайлихотор чой ичиб ўтиришган бўлади. Расулуллоҳнинг яхриш ҳақида Аллоҳдан вахий келади. Саҳобалар бориқ қарашса бир илоннинг томогидан думигача хурмо тикилиб ўлиб ётган эмиши. Воқеа сабабни йигитдан сўрашганда: у кечи Расулуллоҳ тоғонидан юборилган хурмони ўндиғина тановул қилмоқчи бўлиб турганда тўсатдан эшик тақиляб, жулдур кийинган бир гадо кириб келганини ва улар хурмо тўла тогорани унга эхсон килиб бериб юборишганини айтади.

Гап нимада эканин энди Расулуллоҳ ва саҳобаларга маълум бўлади. Ул зотнинг "садака балони қайтаради" деган сўзлари ўз тасдигини топганди. Ушбу ривоятдан кўриниб турбидики, сахийлик инсон учун фақат яхшилик ва омад

келитиради экан. Минг афуски, ҳамма ҳам буни тўла тушуниб етмайди ва одамлар орасида сахийлик қилаверсанг, топган дунёнг соверлиб қоласан деб ўйлайдиганлар ҳам топилади, лекин бу шайтоннинг васвасаси ҳисобланади. Ҳақиқатда эса, аксинча бўлади. Сахийлик — бойликнинг гаровидир.

Пайғамбаримиз шундай марҳамат қиладилар: "Уч нарсага қасам ичаман. Биринчиси, инсоннинг мол-дунёси садака қилиш билан сира камаймайди. Иккинчиси, инсон бегуноҳ зулм кўрса, Аллоҳ бу зулм билан унинг обўсими яна ҳам зиёда қилади. Учинчи, кимки, таъмгар ва тиламчи бўлса, уни Аллоҳ баттар камбагал қиласи. Расулуллоҳ яна бир ҳадисларида марҳамат қиладилар. Ҳар тонгда иккى фаришта тушади, улардан бирни: "Эй худо, ким берса ўрнга ўрин бер!", дуо қилиб юрадилар. Иккинчиси эса "Эй худо, ким мумсик, яни қаттиқ бўлса унинг дунёсига талофат бер!" деб Аллоҳга зикр айтар эканлар.

Бу гапларнинг ҳаммаси ҳаётларидан бўлган воқеани эслаш мумкин. У кишига Фотима онамиз ҳомиладорлик пайтларида кўнтилларини аниор тусаганини айтдилар. Ҳазрат Али бозорга бориб, пулларига яраши бир дона аниорни олиб келаётгандарид, а, йўлда бир тиламчи рўпара келиб ҳайр қилишарини сўрайди. Шунда у киши ҳеч иккимай ўша

бидона аниорни берадилар. Ўйга боргач, Ҳазрат Али ўзларини кутиб ўтирган Фотимага "Мен уни сиздан ҳам мухтоҳрока бердим", дедилар. Фотима онамиз "Жуда яхши қилибизиз", дедилар. Фотима қилиб таъситни кутиб ўтириб ўтадилар. Ҳазрат Али очиб қарасалар қаршиларида Жаброил айланғоч, кийимлари юпун, ҳоли ҳаробларни кўриб туриб, уларга раҳм-шағфат қилмаганлар, саҳоват кўрсатмаганлар комил инсонлар, мўмінлар эмасдир. Улар олдига қўйилган овқатларига бошқани яқинлаштирилди, ўзидан бошқани ўйламайдиган тўрт оёқли ҳайвондан фарқланмайдилар.

Саҳоват борасида яна шуни айтиш кераки, аввало бериладиган нарсани ўз оиласига, кариндош-уругларига, сўнг маҳалла-кўйига, ундан сўнг эса узоқ-яқиндаги мухтоҳларга ҳайр-эхсон бериш масадага мувофиқидир. Аммо, уйда бола-чақаси тўйиб овқат емаса у одам маҳалла гага ош берса, унинг шу саҳовати мақтова сазовор эмас.

Келинглар, азиз бирордлар саҳоват дарвозасини кенг очайлик. Қамбагаллар, етим-есирларни қўллайлик, то ҳаётимиз фаровон, осойишта, ватанимиз тинч бўлсин.

Илҳомжонхожи СУННАТ

ДУШАНБА, 13

ЎзТВ I

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви. 18.10 "Биздан озод ва обод. Ватан юлсин". 18.55 Эълонлар. 19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.20 Эълонлар. 19.25 "Иктисодий мустақиллик йўлида". 19.45 Дони Зокирин номидаги халқ чолгу оркестрининг концерти. 20.10 Оқшом эртаклари. 20.25 Эълонлар. 20.30 "Ўзбекистон" ахбороти. 20.55 Эълонлар. 21.00 "XXI аср бўсағасида". 21.40 Ўзбекистон халқ артисти Мунонжот Йўлчиева кўйлайди. 22.30 Муборак Рамазон тухфаси. "Муҳаммадур Расууллоҳ". Кўп қисмли телевизион бадий фильм премьераси. 14-қисм (Миср Араб Республикаси). 23.15 — 23.40 "Ўзбекистон" ахбороти.

ЎзТВ II

"Тошкент" студияси танишириди:

- 18.30 Болалар учун. "Кўзмунчок".
- 19.00 "Саломатлик — туман бойлик".
- 19.30 "Кўзгу". 20.00 "Шаҳар юмуша-ри". 20.45 "5+1". Дам олиш кўрсатуви.
- 21.20 — 23.00 Буюк Галабанинг 50 йиллиги олдидан. "Иссик қор". Бадий фильм.

ЎзТВ III

18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.

* 19.40 "Мульткаруслель". 19.55 "Ёшлик" студияси. "Мактубларингизи ўқиб..."

"ОМАД" танишириди:

20.30 "Совфа". 21.00 "4/8". Мусикий кўрсатув. 21.15 "Жаҳон географияси". 22.05 "Панорама". 22.35 Эълонлар. 22.40 Видео — "О". 00.20 Эълонлар. 00.25 "Курьер". 00.40 "... яна об-ҳаво ҳақида". 00.50 "Постфактум". 01.00 — 01.20 Жаҳон янгиликлари ("Эй-Би-Си").

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

18.00 "Ҳамманинг тилида". 18.30 "50 йил мукаддам ушбу кунларда". 18.50 Янгиликлари. 19.00 "Тигиз пайт". 19.30 "Шаддод Роза". Телесериал (Мексика). 19.55 "Эх, йўллар — фронт йўллари..." 20.05 "Эксқлизия". 20.40 Хайрли тун, кичкитойлар! 21.00 "Время". 21.40 А. И. Солженичин билан учрашув. 22.00 "Спорт уик-энди". 22.10 — 22.50 "Йўлбошли". Финляндия Республикаси Президенти Марти Ахтиасари.

СЕШАНБА, 14

ЎзТВ I

7.00 — 9.00 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгти дам олиш кўрсатуви.

*

9.00 "Катта кўчада оркестр билан". Бадий фильм. 10.30 Ўкув кўрсатуви. География. 11.00 "Болалар меҳмонхонаси". 11.30 Ўкув кўрсатуви. Информатика ва ҳисоблаш техникини асослари. 12.00 "Ёшлик" студияси. "Яхшиларга эргашиб". 12.40 Емис тили. 13.00 "Азamat Шарипов кўйлайди". 13.30 "Бобур изидан". Йи хотиралари. 13.50 — 15.40 "Синов дэзи". Видеоканал.

**

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви. 18.10 "Кичкитой" студияси. "Доно бобо даврасида". 18.35 "Соли". 18.55 Эълонлар. 19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.20 Эълонлар. 19.25 "Элим деб, юртим деб ёниб яшаш керак". 20.10 Оқшом эртаклари. 20.25 Эълонлар. 20.30 "Ўзбекистон" ахбороти. 20.55 Эълонлар. 21.00 "Бевосита мулоқот". 21.45 "Бизни мафтун этган мусиқа". Мусикий кўрсатув. 22.30 Муборак Рамазон тухфаси. "Муҳаммадур Расууллоҳ". Кўп қисмли телевизион бадий фильм премьераси. 16-қисм. 23.20 — 23.45 "Ўзбекистон" ахбороти.

ЎзТВ II

"Тошкент" студияси танишириди:

- 18.30 "Ўзим ҳақимда...". 19.00 "Дарсга кўнгирок". 19.45 "Нурили хотиралар". 20.45 "Мусикий меҳмонхона". 21.45 "Тошкент оқшомида". 22.45 — 00.10 "Тайдуклар". Бадий фильм. ЎзТВ III

18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.

*

9.00 "ИШОНЧ" нинг фуқаролар учун якка тартибдаги 9 ойлик обуна баҳоси — 72 сўм 90 тийин (нашр кўрсаткичи — 64560).

"ИШОНЧ-ДОВЕРИЕ" учун 9 ойлик обуна баҳоси — 17 сўм 10 тийин. (нашр кўрсаткичи — 64564).

Корхона ва ташкилотлар учун "ИШОНЧ"нинг 9 ойлик обуна баҳоси — 132 сўм 20 тийин (нашр кўрсаткичи — 64561).

"ИШОНЧ-ДОВЕРИЕ" учун 9 ойлик обуна баҳоси — 30 сўм 60 тийин (нашр кўрсаткичи — 64562).

"ИШОНЧ" СИЗНИНГ ГАЗЕТАНГИЗ

ХУРМАТЛИ ГАЗЕТХОНЛАР! МУХТАРАМ!

КАСАБА УЮШМА ФАОЛЛАРИ!

Кейнинг пайтларда таҳририятимизга "Ишонч" газета дўконларидан сотиб ололмаётганликларини сўраб мурожаат қуловчилар сони кўпайиб бормоқда. Таҳририят бундай илтимосларни қондиришга кодир эмас. Лекин бунинг бир йўли бор. У ҳам бўлса газетамизга йилнинг қолган ойлари учун обуна бўлишидир. Агар сиз 10 марта газетамизга обуна бўлишига улгурсангиз апрель ойининг биринчи ҳафтасидан бошлаб то йилнинг охиригача газетани уйингизга олиб хотиржам ўқийверасиз.

"ИШОНЧ"нинг фуқаролар учун якка тартибдаги 9 ойлик обуна баҳоси — 72 сўм 90 тийин (нашр кўрсаткичи — 64560).

"ИШОНЧ-ДОВЕРИЕ" учун 9 ойлик обуна баҳоси — 17 сўм 10 тийин. (нашр кўрсаткичи — 64564).

Корхона ва ташкилотлар учун "ИШОНЧ"нинг 9 ойлик обуна баҳоси — 132 сўм 20 тийин (нашр кўрсаткичи — 64561).

"ИШОНЧ-ДОВЕРИЕ" учун 9 ойлик обуна баҳоси — 30 сўм 60 тийин (нашр кўрсаткичи — 64562).

Обуна барча алоқа бўлимларида қабул қилинади.

ФЕВРАЛЬ

Бобур лирикаси. 22.30 Муборак Рамазон тухфаси. "Муҳаммадур Расууллоҳ". Кўп қисмли телевизион бадий фильм премьераси. 15-қисм. 23.15 — 23.40 "Ўзбекистон" ахбороти.

ЎзТВ II

"ОМАД" танишириди:

18.30 "Мультфейерверк". 19.00 "Хайвонот боғларидаги хаёт". 19.50 Янгиликлар. 19.55 "Хусусийлаштириш: қадам — бақадам". 20.15 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар. 20.40 "Видеогид". 21.00 "Теле-ателье-шоу". 21.55 "Кинонигоҳ". 23.35 Жаҳон янгиликлари ("Эй-Би-Си").

ЎзТВ III

18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.

*

19.40 "Мульткаруслель". 19.55 "Кашф этилаётган имкониятлар".

*

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

20.25 "Уорлднет" телекомпанияси-нинг янгиликлари. 20.45 "Дурдарш" телекомпаниясининг кўрсатувлари. 21.45 "Би-Би-Си" янгиликлари. 22.00 "Марказий Осиёнинг бадий маданияти". 22.40 — 23.23 "Дўстлик сарҳад билмайди".

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

6.30 — 9.00 "Тонг".

18.00 "Вазият". 18.30 "СБ" жумбоги".

18.40 "Хужжатлар ва тақдирлар".

18.50 Янгиликлар. 19.00 "Тигиз пайт".

19.30 "Шаддод Роза". Телесериал.

19.55 "Биз". В. Познернинг муаллифлик кўрсатув. 20.40 Хайрли тун, кичкитойлар! 21.00 "Время". 21.40 "Илк манбадан". 21.50 Кино асри. "Майдо ўтилар". Бадий фильм (Венгрия, 1991 й.). 23.25 — 23.50 "Гол".

ЧОРШАНБА, 15

ЎзТВ I

7.00 — 9.00 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгти дам олиш кўрсатуви.

*

9.00 "Сўнгти учрашув". Бадий фильм. 10.30 Ўкув кўрсатув. Умумий биология. 11.00 "Ёшлик" студияси. "Эъзоз". 11.40 Алифбо сабоблари. 12.10 "Хуқуқий жамият сарби". 12.40 Ёш изжочилик концерти. 13.10 "Тафаккур калити". 13.40 — 14.40 "Буни ҳамма билдиши керак!".

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви. 18.10 Ургут тумани "Бешарсак" фольклор-этнографик ансамблиниң концерти. 18.45 Спорт хабарномаси. 18.55 Эълонлар. 19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.20 Эълонлар. 19.25 "Шеърий дақиқалар". Эътибор Охунова. 19.35 "Тараққиёт". 20.10 Оқшом эртаклари. 20.25 Эълонлар. 20.30 "Ўзбекистон" ахбороти. 20.55 Эълонлар. 21.00 "Бевосита мулоқот". 21.45 "Бизни мафтун этган мусиқа". Мусикий кўрсатув. 22.30 Муборак Рамазон тухфаси. "Муҳаммадур Расууллоҳ". Кўп қисмли телевизион бадий фильм премьераси. 17-қисм. 23.15 — 23.40 "Ўзбекистон" ахбороти.

ЎзТВ II

"ОМАД" танишириди:

18.30 "Омад" тақвими. 18.35 "Жозиба". 18.55 "Бир шингил ҳангома". 19.05 "Ишингиз бароридан келсин". 19.20 "Мұхаббатта ошно қалблар". 19.40 "Теле-ателье-шоу". 19.50 Видео янгиликлари. 20.15 Янгиликлар. 20.20 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар. 21.05 "Кинонигоҳ". 22.45 Жаҳон янгиликлари ("Эй-Би-Си").

ЎзТВ III

18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.

*

19.40 "Мульткаруслель". 19.55 "Ислоҳот ва муаммо". 20.25 "Санта-Барбара". Телевизион бадий фильм.

ЎзТВ II

"ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

21.15 "Уорлднет" телекомпаниясининг янгиликлари. 21.30 "Дурдарш" телекомпаниясининг кўрсатувлари. 22.30 — 22.55 "ТВ-портрет". "Сармарандлик тадбиркор".

ЎзТВ III

18.00 "...16 ёшгача ва ундан катталар". 18.30 "Рублиши". 18.45 "Ким аслида ким?". XX аср. Бокасса. 18.50 Янгиликлар. 19.00 "Тигиз пайт". 19.30 "Шаддод Роза". Телесериал. 20.00 "Серантин". М. Захаровнинг муаллифлик кўрсатув. 20.40 Хайрли тун, кичкитойлар! 21.00 "Время". 21.40 "Москва, Кремль". 22.05 "Менинг А. Керенский билан учрашувим". Г. Боровикнинг муаллифлик учрашуви. 23.05 — 23.40 "Барча юлдузлар". Кабаре.

ЎзТВ II

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

6.30 — 9.00 "Тонг".

ЎзТВ III

18.00 "...16 ёшгача ва ундан катталар". 18.30 "Рублиши". 18.45 "Ким аслида ким?". XX аср. Бокасса. 18.50 Янгиликлар. 19.00 "Тигиз пайт". 19.30 "Шаддод Роза". Телесериал. 20.00 "Серантин". М. Захаровнинг муаллифлик кўрсатув. 20.40 Хайрли тун, кичкитойлар! 21.00 "Время". 21.40 "Москва, Кремль". 22.05 "Менинг А. Керенский билан учрашувим". Г. Боровикнинг муаллифлик учрашуви. 23.05 — 23.40 "Барча юлдузлар". Кабаре.

ЎзТВ II

"ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

21.15 "Уорлднет" телекомпаниясининг янгиликлари. 21.30 "Дурдарш" телекомпаниясининг кўрсатувлари. 22.30 — 22.55 "ТВ-портрет". "Сармарандлик тадбиркор".

Уни болалигидан биламан. Унинг ижросидаги дилбар, ўйноқи кўшиқлар ҳамон ёдимда. Айнича, итальянча “Санта лючия” кўшиги ҳамон қулогум остида янграб тургандай.

Бурхон Бўриев асли Самарқанднинг Паҳтаки туманида ўсиб-улгайтади. Ундан санъатга бўлган ҳавасин сезган ота-онаси Тошкентдаги Глиэр номидаги республика мусиқа мактаб-интернатига йўллашади. Болакайнинг омади келиб, дилтортар ашулалари билан кўпчиликнинг этиборини тез қозонади.

“Булбулча” дастаси раҳбари Шермат Ёрматов Бурхонга янги-янги кўй-кўшиқлар ўргатади. Бурхон ўз навбатида республика кўпроқ-танловарида фаол иштирок этиб, фахрли ўринларни эгаллади.

Ўзбекистон Маданият ишлари вазирлигининг йўлланмаси билан Бурхон Бўриев Санкт-Петербург Давлат консерваториясининг воказ-дирижёрлик бўлимiga ўқиши юборилади. У Германия, Финляндия каби

шу интилиш А.Набиев номидаги болалар ва ўсминалар ижодиёти марказида “Давр” воказ-чоргу ансамблини тузишга унади. Аисамбла Тошкент Давлат консерваториясининг маҳоратли талабалари иштирок этади.

Умаров ҳамда Улугбек Абдулжабборов, Жамолиддин Кароматов сингари иқтидорли бастакорлари билан уфаҳланади. Уларга бош-қоп бўлиш билан бирга ўзининг янги ашулаларини ҳам яратади.

Айни пайдада у фаол ижодий изланища. Унинг фикрича санъаткор ўзбек миллий чоргу асбобларидан ташқари боща халқларнинг мусиқа асбобларини ҳам яхши билса, яратадиган асарининг умри узун бўлади.

— Кўшиқсиз яцолмайман, — дейди у. Дарҳақиқат яшнаб боксан кўзлари ҳам гапларини тасдиқлаб тургандай. Шунинг учун унга оқ йўл тилаб, кўшиқларинги парвози баланд бўлсин, янги-янги куйларингнинг овозаси дуне бўйлаб янграйверсин, дегим келади.

Норинисо ҚОСИМОВА.

Кўшиқсиз яцолмайман

мамлакатларда бўлади. 1984 йили эса АҚШнинг “Жулярд” мусиқа мактабида ҳам таҳсил кўради. Бурхон меҳнат флоатитини Тошкент Давлат консерваториясида ёшларга таълим беришдан бошлайди. Аммо уни кўшиқ ҳамиша ўзига чорларди. Ана

Консерваториянинг 3-курс талабаси, Ботир Зокиров номидаги республика ёш эстрада хонандалари кўпроқ-танлови ва талай санъат йигинлари иштирокчиси Даврон Дуворов, дилбар кўшиқ ижрочилари Акмал Жабборов, Акром Собитов, Аваз

Мишишлар ва ҳақиқат

“ЭСКИРГАН” ДОЛЛАРЛАР БЎЛАДИМИ?

АҚШ Молия вазирлиги матъум қилишича, турли мамлакатларда, айнича Ресмида тарқатилган Қўшиқ Штатлар эски пулларни муомаладан чиқариб юборишмоқчи, деган мишишлар фирт ёлрон ва иғвордан бошқа нарса эмас.

— Бизнинг пулларимиз чиқарилган йўлидан қатъий назар муомалада юраверади, — дейа баёнот берди Молия вазирлигининг расмий вакили Скотт Дајнема. — Улар ҳамиша ҳукукли тўлон воситаси бўлиб қолаверади. Дарвоҳ, Қўшиқ Штатлар бутун тарихи давомида ўз валиотларини алмаштирганинг ҳам маъзум. Бироқ, айттилик, универсамдан олган нарсангизга 1915 йилда чиқарилган 5 долларлик пулингиз билан ҳисоб-китоб қўлмоқчи бўлсангиз — қатъик янгилисасиз. Чунки бу 5 доллар ҳозир коллекционерлар қўлида бир неча минг туради.

Ҳозир АҚШ да пулининг кўринини — шакл-шамойилини ўзgartиртириб бўйича иш олиб боришилти. Бунда қалбаки пул ишлаб чиқарилишни юлдишни ўзгартиришади. Бинонинг, қалбаки долларлар сайдерамиз бўйлаб ейилиб кетган. Янги 100 долларлик купораларни ҳам қўшиб, пулинг ташки кўрининини ўзgartиртириши кейнинг 65 йил ичидан биринчи бор йўл беради. Янги пул намуналари 1995 йил охри ёки 1996 йил бошларида пайдо бўлиши кутильмоқда.

— Бутун дунёда одамлар ҳозиринг амалда бўлган АҚШ валютаси тўла ҳукукли тўлон воситаси бўлиб қолаверишини аниқ тушуниб олишлари мухим аҳамиятта эга, — мамлакат молия вазири Ллойд Бинсон сўзини келтиради АҚШ ахборот агентлиги (НОСИА). — Янги шакл-шамойилдаги долларлар бир неча йил давомида муомалага киритиб борилади. Айни пайдада пулимининг бирор турни қадрсизланиб ёки ўтмайдиган бўлиб қолмайди.

АҚШнинг эски валиотлари фақат Федерал заҳира тизимига, яъни Қўшиқ Штатлар Марказий банкига келиб тушун тақдирдагина мумомаладан чиқарилади.

Шунни айтиб ўтиш керакки, ҳозир мумомалада 250 миллиард доллар пул юриди. Уларнинг учдан иккى қисмидан АҚШдан ташқаридан қалбаки долларлар чиндан ҳам кўпайиб кетган. Лекин бу АҚШнинг ўзидаги пул тизимида бирон-бир сезизларни ҳавф турдира олмайди, дейишида Молия вазирлиги вакиллари. Бир йил давомида ҳукуқни муҳофаза этиувчи органлар мамлакатда 44 миллион доллар яқин қалбаки “пул”ларни ушлаб қолдилар. Чет элларда бу кўрсаткич 120 миллионга стди. Молия вазирлиги ҳисобларига қараганда, жаъми валиотнинг юздан бир фонздан камрори қалбаки пуллардан иборат.

Энди янги чиқариладиган долларлар ҳақида иккى оғиз сўз. Президентлар суратлари ён томондан ва катталаштирилган ҳажмад жойлаштириллади. Ҳимоя чизикчаси кучайтирилади. Шунингдек, микро мухр билан расм элементлари устига ёзувлар туширилади. АҚШнинг янги доллари бошқа ҳимоя воситалари билан ҳам мустаҳкамланади.

Хулас, россияликлар ҳам, бошқа хорижий мамлакатлар ҳам хавотир олишмаса бўлади — доллар “ўтмас” бўлиб қолмайди.

“Труд”дан.

Навбатдаги ҳафта ичи содир бўлашак таъбиrlар қўйидаги:

ДАЛВ (20.01 — 18.02.) ойи фарзандлари сафарга чиқиши, режалаштирган ишларни бажаришлари, савдо-сотиқдан ҳам яхшигина фойда кўришлари мумкин. Ҳафта ичи эски қадрдонлар билан кутимаган учрашувлари содир бўлади. Ота-оналарни зиёрат қилиш, қариндошуруглар билан борди-келдини йўлга кўйишлар ҳам ҳосиятилди.

ХУТ (19.02 — 20.03) ойи фарзандлари учун бу ҳафта ичи омадли кунлар ҳисобланади. Бошланган барча амалларнинг натижаси яхши тугашни кутилади. Қўлга маблағ тикиши мумкин. Шу маблағни яхшиликларга ишлатиб, жойига сарфланса, келажакда бадавлат бўлиб кетишиларни кутилади. Бу кунлари бошлиқлар олдига кириш ҳам кутилган натижка беради.

ҲАМАЛ (21.03 — 21.04) ойи фарзандлари бу ҳафта осоишига ва тинч турмуш кечирадилар. Ортиқча ташвиш, безоваликлар келиб. Оиласа ҳам, иш жойида ҳам деярли яхшиликлар кутилади. Ҳамал ойида туғилгандар бу ҳафта ўзларининг соглиқларига эътибор бериншларни фойдадан ҳоли бўлмас. Фарзандлар тарбияси учун ажратилган дақиқалар ҳам катта натижалар беради.

САВР (22.04 — 20.05) ойи фарзандлари учун бу ҳафта ичи содир бўлашак таъбиrlар қўйидаги: оиласи мустаҳкамланади. Шу сабаб иложи борича эътиёткорлик керак. Акс ҳолда кутилмаган нохушиликлар содир бўлиши мумкин. Кечаларни бехожат ёлғиз юршишини ҳосияти ўйқиди.

ЖАВЗО (21.05 — 21.06) ойи фарзандлари учун бу ҳафта мұҳаббат ва оиласи ҳаёт соҳасида омадли келади. Айнича, янги тузилашак оиласи мустаҳкам бўлиб, баҳти ҳаёт кечирадилар. Оиласа баҳти қарор топиб, эрхотининг ўзаро вафодорлиги ривож топади. Бундай ишиларнинг иш ва ўзики соҳасидаги фаолиятлари ҳам бирмунча муваффақиятни кечини мумкин.

САРАТОН (22.06 — 22.07) ойи фарзандлари иш, ўқиши, савдо-сотиқ соҳаларнда яхши натижаларга эришадилар. Оиласи моливий ахволлари яхшиланади. Аммо ҳафтанинг охирига бориб, улар учун кунлар нохуши келиши кутилади. Бундай ташқарни ҳафтанинг охирига кунларида сафар ва жинди ишлардан сақланни турмоқ мавқул.

АСАД (23.07 — 22.08) ойи фарзандларига бу ҳафта омад келтиради. Тузилажак битим ва шартномалар яхши натижалар беради. Бошланган ишлар натижаси унумли бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Бу ҳафта ишлар билан шугулланиш, инглийлар яратиш мумкин. Сафарга чиқиш ва бошлиқлар ҳузурига киришдан фойда бўлур. Савдо ходимларни

Илми нужум талқинлари

тижоратчилар сармояларини савдога қўяверишлари мумкин. Зеро у кутилганидан ҳам яхши фойда келтирур.

СУНБУЛА (23.08 — 22.09) ойи фарзандларига бу ҳафта нахс келтириши кутилур. Шунинг учун бирон ишни бошламаган маъқулпроқ. Шу гулланаётган ишмий ишлари ва олайтидан таҳсиллари давомида ҳийла зиёраклик талаб қилинади. Акс ҳолда катта омадсизликка дуorch бўлишларининг эҳтимоли бор. Ширинсўзлик ва бироннинг гибатини қилмаслик билан бу омадсизликнинг олдини олиш мумкин. Айнича, савдо ва моливий ишларда ҳуашёр бўлишларини маслаҳат берамиз.

МЕЗОН (23.09 — 22.10) ойи фарзандларига бу ҳафта ичи сафарга чиқиши, бошлиқлар ҳузурига киришлари, талабалар эса ишмий ишларни устозларига топширишлари учун қулалик түғилади. Оила иқтисади билан бўғлиқ моливий жиҳат ва даромадлар унумли бўлур. Бундай мувafaқiatлар бир меъерида узоқроқ давом этиши учун максур

шахсларнинг ёлғон гапирмасликлари ва ҳиёнат қилмасликларни мақсадга мувофиқиди.

АҚРАБ (23.10 — 21.11) ойи фарзандларини омадли кунлар кутади. Режалаштирган барча ишларни бошлайверганди мавқул. Бу кунларда улар учун иш жойида катта ўзгариши бўлиши мумкин. Шунингдек шахсий ҳаётлariда ҳам ажойиб инглий кутилади.

ҚАБС (22.11 — 21.12) ойи фарзандларига бу ҳафта оддий кунлардан ишоратида бўлиб, қилаётган ишларни давом этиравершишларни маслаҳат берамиз. Бирон бир кўзга ишларни ҳодисалар юз бермайди. Бу кунларни сафарга чиқиш, оға-ини, ёр-бирордарларни зиёрат қилиш, дам олиш, хайрияхон бериш кўп жиҳатдан ҳосиятилди. Оиласа қувончили воқеалар ҳам юз берини кутилур.

ЖАДДИ (22.12 — 19.01) ойи фарзандларига бу ҳафта омад келтиради. Ҳар ким ўз соҳасида яхши натижаларга эришади. Ишга эга бўлиши ниятида юрганлар мақсадларига эришурлар. Кўп вақтлардан бери қинглан орзу-умидларни рўйбга чиқади. Қувончили учрашувлар, ечимини топган муаммоларга эришилмоги мумкин. Бунинг учун ўзларини пок сақлашлари кўп жиҳатдан фойдадир. Валлоҳу аълам.

МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН
КАСАБА ЮШМАЛАРИ
ФЕДЕРАЦИЯСИ
КЕНГАШИ

Бош муҳаррир
Сайдакром САИДВАЛИЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Акмал АКРОМОВ
(бош муҳаррир ўринбосари),
Рустам АБДУРАЗОКОВ,
Абдуманип АЛИМБОЕВ,
Дилбар ЖАҲОНГИРОВ,
Турғунбай МАДИЁРОВ,
(масъул котиб),
Муҳаммаджон ОТАҚУЛОВ,
Муҳайё ТУЛАГАНОВА,
Раъно УБАЙДУЛЛАЕВА,
Баходир УМУРЗОҚОВ,
Тўлқин ҚОЗОҚБОЕВ.



• Бош муҳаррир қабулхонаси — 56-25-36
• Бош муҳаррир ўринбосари — 56-52-89
• Масъул котиб 56-52-78

БЎЛИМЛАР

• Касаба ўшмалари ва мухбирлар
Билан ишлаш — 56-82-79
• Социал адолат, иқтисодий ҳаёт, маданият, маънавият ва хатлар — 56-87-78, 56-87-63

• Ишлаб чиқариш ва хўжалик — 56-85-43

• ВИЛОЯТЛАРДАГИ МУХБИРЛАРИМIZНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ:

Андиқонда — 5-23-10

Бухорода — 3-50-10

Гулистанда — 2-24-98

Жиззахда — 2-31-41

Навоийда — 3-52-99

Намангандга — 6-22-10

Нукусда — 2-44-46

Самарқандда — 35-6